

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Посбон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

№ 69-70 (2710-2711)
1994 йил, 2 сентябрь

Тошкент шаҳрида
сotувда баҳоси
30 тийин.



Истиқболи порлоқ, Ўзбекистон!

Ватандошларимиз Ўзбекистон Республикасининг
Мустақиллик кунини муносиб кутиб олдилар

Ўзбекистон ўз мустақиллигини учинчи мартаба нишонлади. Республиканинг барча фуқаролари, шу жумладан, ички ишлар идораларининг ходимлари ҳам ана шу қутлуғ санани муносиб кутиб олишга ҳаракат қилдилар. Милиция формасини кийган кишилар учун бу байрам алоҳида мазмун касб этади. Зеро, тегишли ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, кўп миллатли республикамиз халқларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш уларнинг ишбилармонлигига, ҳар томонлама тайёргарлик кўрганликларига, ўз хизмат бурчларини муносиб бажариш учун ҳаракат қилишларига боғлиқ. Ҳуқуқ-тартибот посбонларининг тақдири ана шундай — байрамларда ҳам улар тиним билмайдилар. Бироқ байрам айёми фақат хизмат фаолиятидан иборат эмас. Ички ишлар идораларининг ходимлари, уларнинг оила аъзолари байрамни хушнудлик, қувонч билан кутиб олдилар. Таҳририят Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, вилоят Ички ишлар бошқармалари билан телефонда боғланиб, байрамни қандай нишонлаганлари ҳақида ҳикоя қилиб беришларини илтимос қилди.

Нукӯда телефон гўшагини Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизматининг катта инспектори, милиция майори О. ШПОТЪ кўтарди. — Мустақиллик кунини байрам қилишга тайёргарликни анча олдинроқ бошладик, аввало тадбирлар режаси ва уни ўтказиш комиссиясининг таркиби тасдиқланди. Бу комиссия таркибига вазирликнинг раҳбар ходимлари киритилди. Тегишли режалар асосида барча шаҳар ва туман ички ишлар идораларида байрамга тайёргарлик бошланди. Хизмат вазифасини бажарётган чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оилаларига ва кам таъминланган оилаларга республика ИИБ жамғармасидан ёрдам кўрсатилди.

Байрам шарафига ходимларнинг катта гуруҳи хизмат фаолиятида эришган муваффақиятлари учун тақдирланди, уларни табриклаш учун тантанали кечага Бердақ номи Академик театрининг артистлари келишди. Айниқса театрининг етакчи санъаткори М. Сапаеванинг чиқишлари ҳаммани мамнун қилди. Албатта, байрам дастурхони ҳам тўқин бўлди.

Байрам арафасида Тўрткўл туман ИИБ ходимлари уй тўйини ўтказдилар, улар янги замонавий бинога кўчиб ўтдилар. Бу бинони қуришда ИИБ ходимлари ҳам фаол иштирок этган эдилар.

— Байрам арафасида, — деб ҳикоя қилади Тошкент шаҳар ИИБ матбуот хизматининг бошлиғи, милиция майори В. ГОРР, — пойтахтдаги барча туманлар аҳолиси билан учрашувлар ўтказилди, уларда бошқарманинг раҳбарлари иш-

тирок этдилар. Бу — қилинган иш ҳақида шунчаки ҳисобот бериш эмас, балки кишилар билан жонли мулоқот, оқсоқоллар билан кенгашиш бўлди, улар милициянинг ишидаги камчиликлар ҳақида очик-ойдин гапирдилар, муайян муаммоларни кўтариб чиқдилар, уларни ҳал этишнинг амалий йўлларини кўрсатдилар.

Байрам арафасида фахрийлар ва ўз постда ҳалок бўлган ходимларнинг оилалари ҳам унутилмади. Тошкент милициясининг бевосита байрам кунларидаги фаолиятига алоҳида тўхтаб ўтмоқчиман. Бундай катта миқёсдаги тадбирлар пойтахтда илгари ўтказилган эмас эди. Республиканинг ҳамма вилоятларидан меҳмонлар, МДХ мамлакатларидан ва олис хориждан кўп сонли делегациялар, дипломатлар келишди, икки миллиондан ортиқ

иборатдир.

Сўрхондарё вилоят ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги С. ЧОРИЕВ Термиздан хабар қилади.

— Байрам тадбирларини ўтказиш пайтида милициянинг ҳалок бўлган ходимлари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гуллар қўйилди, ҳалок бўлган 21 ходимнинг оиласига моддий ёрдам кўрсатилди.

Хизмат фаолиятида юксак кўрсаткичларга эришганлиги учун шаҳар-туман идоралари ва марказий аппаратнинг юзга яқин ходими тақдирланди. Байрам концерти бўлиб ўтди, унда бадий ҳаваскорлик қатнашчилари, вилоят драма театри санъаткорлари ўз санъатларини намойиш этдилар.

Ички ишлар идоралари ходимларининг кўпчилиги байрам кунлари хизматда бўлдилар.

ҲАМИША САФДА

киши яшайдиган шаҳарнинг улкан ҳудудидagi оммавий сайилларда кишилар хавфсизлигини, жамоат тартибини таъминлаш учун, албатта, барча ходимларимиз кўп тер тўқдилар. Шуниси қувончлики, улар бу вазифани шараф билан бажара олдилар.

— Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунини Бухоро вилоят ИИБ ходимлари учинчи мартаба тантанали вазиятда нишонладилар, — деб хабар қилди ИИБ матбуот хизматининг катта инспектори, милиция майори Е. ЗУЕВ. — Ушбу тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш штаби байрам юқори даражада ўтиши учун катта иш қилди. Тантанани ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Б. Матлубов очди, у шахсий таркибини, ички ишлар идоралари фахрийлари, маҳаллий ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг вакилларини байрам билан табриклади. Энг яхши ходимларга қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари топширилди. Байрам дастурхони атрофига ички ишлар идораларидан илгари ишлаган ва ҳозир ишлаётган ходимлар тўпландилар, улар бўлиб ўтган ва бугунги кун воқеалари ҳақида самимий суҳбат кўрдилар, жиноятчилар билан олишувларда ҳалок бўлган ходимларни хотирладилар. Байрам концертидан сўнг ички ишлар идораларининг ходимлари жамоат тартибини сақлаш бўйича хизматини давом эттириш учун жойларга йўл олдилар, зеро байрам кунларида уларнинг асосий вазифаси юртдошларимизнинг осойишта дам олишини таъминлашдан

— Мустақиллик кунини байрам қилиш учун ҳаммамиз ҳаракат қилдик, — деди телефондан Навоий вилоят ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизматининг катта инспектори, милиция майори Б. НАЗРУЛЛАЕВ. — Тантаналар маънавияти ИИБда бадий ҳаваскорлик кўрнги голибларининг концерти бўлиб ўтди, бўлиб ўтган спорт мусобақаларига яқунлар чиқарилди ва голиблар тақдирланди. Ходимлар учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаси, китоб савдоси, болалар учун — мактаб бозори ташкил этилди.

Ички ишлар идораларининг фахрийлари, ҳалок бўлган ходимларнинг оилалари ҳам унутилмади.

ИИБ ҳудудида эса янги ошхона ва дўкон ишга туширилди.

— Республика ҳаётидаги унутилмас санани иложи борича тантана билан нишонлашга ҳаракат қилдик, — деб Қаршидан хабар қилди Қашқадарё вилоят ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизматининг катта инспектори, милиция майори П. АҲМЕДОВ. — Хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган 36 ходимнинг оиласига ёрдам кўрсатиш учун маблаг ажратилди, ички ишлар идоралари фахрийларидан ҳола-аҳоли сўралди, ИИБ ва шаҳар-туман идораларидаги тантаналарда бадий ҳаваскорлик иштирокчилари ва профессионал санъаткорлар қатнашдилар.

Шуниси қувончлики, вилоят ИИБ кўпгина ходимларининг иш шаронти яхшиланди, улар уч қаватли ҳашаматли бинога кўчиб ўтдилар.

Байрам кунлари вилоят ҳудудида жамоат тартибининг юқори даражада бўлиши таъминланди.

— Наманган вилоят ИИБ ходимлари учун ранг-баранг байрам дастури тайёрланди, — деди ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизматининг инспектори, милиция старшинаси Х. ХОЛМИРЗАЕВ. — Булар орасида Наманган Давлат дорилфунунининг профессори М. Ҳожимирзаев билан учрашув, вилоятнинг энг кучли спортчилари иштирокида самбо кураши бўйича мусобақалар, фахрийларни табриклаш, Навоий номи музикали театр санъаткорларининг концерти, тўқин байрам дастурхони ва бошқа тадбирлар бор.

Шу кунлари яна бир қувончли воқеа юз берди. Задарё туман ИИБ қошида, отилиб чиққан нефть фаввораси туфайли ҳаммага яхши маълум бўлиб қолган Мингбулоқ аҳоли пунктида милициянинг кўрган бўлими очилди.

Урганчада телефон гўшагини Хоразм вилоят ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизматининг инспектори, милиция майори И. ОТАБОВЕВ олди.

— Байрам катта тантаналар билан ўтди. Тош кўтариш мусобақалари ҳаммада катта қизиқиш уйғотди, уларда шаҳар ва туман идораларининг полковлари беллашдилар. Кураш спорт ишқибозлари ҳам мамнун бўлдилар. "Посбон" ва "Жайхун" дасталарининг созанда ва хонандалари ҳаммага байрам концерти бағишладилар.

Қадимий Хоразм диёри милициясининг тарихига бағишланган танловнинг биринчи тури ҳам яқунланди. Унинг яқунловчи иккинчи тури Милиция кунинида ўтказилди.

— Самарқандда ички ишлар идоралари ходимларини табриклаш учун болалар боғчасининг тарбияланувчилари келдилар, улар тантананинг энг ардоқли меҳмонлари бўлишди, — деб хабар қилди ИИБ матбуот хизматининг катта инспектори, милиция майори С. ЗОҲИДОВ. — Энг яхши ходимлар раҳбарият томонидан тақдирланди, концерт дастури қизиқарли тузилган эди.

Ҳалок бўлган ходимларнинг оилаларига, фахрийларга ёрдам кўрсатилди. Тантанали вазиятда кўп ходимларга "Шўхрат" ва "Жасорат" медаллари топширилди.

Байрам кунлари Самарқанд шаҳрида, вилоятнинг бошқа шаҳар ва кўрғонларида жамоат тартиби яхши бўлишига эришилди.

Байрам тугади, қизгин иш кунлари бошланди. Ўзбекистоннинг барча аҳолиси каби, республика ички ишлар идораларининг ходимлари ҳам мустақиллигининг тўртинчи йилга қадам қўйдилар. Бу йил ҳам бегубор, осойишта ва саховатли бўлсин.

Хабарларни телефон орқали А. ВОРҒУДЯЕВ қабул қилди.



ИККИ ЖУМА ОРАЛИГИДА

ЙЎЛТЎСАРЛАР

ФАРҒОНА вилоятининг Ёзевон туманида ака-ука Гозиевларни номаълум шахслар йўлда тўсиб, уриб, қўрқитиб, уларнинг қўл соатлари ва 50 сўм пулларини олиб кетишган.

Ака-укалар бу ҳақда ИИБга хабар беришди ва йўлтўсарлар ушланди. Улар Марғилон, Иттифок кўчаларида истикомат қиладиган М. Ф. ва Е. Қ. лар бўлиб чиқдилар. Йўлтўсарлар қилмишлари учун сўроқ беришпти.

ТАХМИН ТЎҒРИ ЧИҚДИ

САМАРҚАНД шаҳар шохбекатида шахсини аниқлаш мақсадида ушланган бухоролик, ҳеч қаерда ишламайдиган Р. Т.нинг енидан бир килограммдан ортиқ кўкнори топилди.

ОМБОР МУДИРЛАРИ ҲИБСДА

СИРДАРЁ вилояти ИИБ ходимлари навбатдаги тезкор тадбирини ўтказдилар. Унда Сирдарё шаҳридаги гуруч ишлаб чиқариш заводининг омбор мудир Р. М. Оқ олтин туманидаги ун ишлаб чиқариш заводининг омбор мудир Ж. Ю. билан ўзаро жиноий тил бириктириб, 500 коп уния хужжатсиз қабул қилиб олаётган бир пайтда ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди. Шундан сўнг ун заводида тафтиш ўтказилди. Натижада 158220 килограмм ун камомоди аниқланди. Ҳар иккала омбор мудир устидан жиноий иш қўзғатилиб, ҳибсга олинди.

ЧОРА-ТАДБИР КЎРИЛДИ

ҲУДДИ шу вилоятдаги Сайхунобод тумани ИИБ ходимлари тумани ун заводи қошидаги ошхона мудир, 1956 йилда туғилган К. А. ўзининг моддий жавобгарлигидаги 6 минг 527 сўмлик камомадни яшириб келатганлигини аниқлаб, тегишли чора-тадбирлар кўрдилар.

ҲАЙРИЯТ, БОЛА ТИРИК ҚОЛДИ!

НАМАНГАН вилоятининг Чуст қишлоғида содир бўлган мудҳиш воқеани эшитганлар еқа ушлаб қолишди. Гап шундаки, ҳеч қаерда ишламайдиган К. А. уйда ўзи янги туғилган фарзандини тириклайин қора ер қаърига кўмиб ташлади. Зудлик билан қўрилган чора-тадбирлар натижасида бола ҳаёти сақлаб қолинди. Қотил она ушланиб, сабаблари ўрганилмоқда.

Республика ички ишлар идоралари томонидан ҳар йили май ойидан бошлаб "Қорадори" деб номланган кенг миқёсда қидирув-профилактика тадбири ўтказиб келинмоқда. Бу йил ҳам бу тадбир эсдан чиқарилмади. Бизнинг газетамиз ўз ўқувчиларини ана шу тадбирнинг бориши билан боғлиқ барча воқеалардан мунтазам равишда хабардор қилиб бормоқда. Республика ИИБ Жиноят қидирув бош бошқармасининг гиёҳвандлик моддаларига қарши кураш бошқармасида бўлган муҳбиримиз тадбирнинг дастлабки якунлари ҳақида ҳикоя қилади. Ахборот шу ишнинг мутасаддиларидан олинган.

Қисқаси, "Қорадори-94" тадбири доирасида ўтказилган фаолиятда ички ишлар идораларининг тўққиз мингдан ортиқ ходими ва жамоат тузилмаларининг олти мингдан зиёд вакили иштирок этмоқда, жамоатчилик вакиллари, асосан, аниқланган оғузорларни йўқотишда ёрдам бермоқдалар.

Асосий рақамларга келсак, улар қуйидагилардан иборат. Тадбирни ўтказиш давомида жами 428,5 гектар майдонда оғузор аниқланди ва йўқ қилинди. Ўтган йили ана шу пайтда ушбу рақам 255 гектарни ташкил этган эди. Ўсиш салмоқли, 40 фоздан кўп бўлди. Бу йил 4610 гектар оғузор аниқланди, ўтган йили у 3978 гектарни ташкил этган эди. Бу нимадан далолат беради? Оғу экилган майдонлар кўпаймоқда. Асосан қишлоқ жойларда яшовчи ноинсоф кишилар осонгина бойлик орттириш мақсадида оғули экинлар етиштириш, кейин гиёҳвандлик моддаларини тайёрлаш ва тарқатиш орқали жинояткорона бойишнинг тайёроқ йўлига кирмоқдалар. Бирданига бойиш умиди уларнинг бошини айлантириб қўймоқда. Ўзингиз баҳо беринг. Ҳозир чайқов бозорида бир килограмм кўкнор 200-250 сўм, бир килограмм афюн хом ашёси 30-35 минг сўм туради. Оғу етиштириладиган ва гиёҳвандлик моддалари тайёрланадиган жойларда нарх ана шундай. Афюнинг нархи у сотиладиган жойга келтирилганда эса янада ошиб кетади. Чунотчи, Россияга ташиб келтирилган бир килограмм афюн 20 миллион рублга сотилади. Агар, кўкнорнинг бутун етилиш даври 65-90 кунни ташкил этишини ҳамда кейинги баҳорда ҳосил олиш учун уни кеч кузда экиб, дастлабки совуқ тушгунга қадар яна бир маротаба ҳосил олишга улгуришларини ҳисобга олсак, афюнурушларнинг иштаҳаси қарнайлари сабабини тушунса бўлади.

Бунинг устига, оғу экувчилар кўкнорнинг етилишини жадаллаштириш мақсадида кимёвий ўғитлардан кенг фойдаланадилар. Бинобарин, лимитланган хом ашё шу тариқа талон-торож қилинади, ғоятда номақбул иқтисодий оқибатларнинг пайдо бўлиши мумкинлиги ҳам ташвишга солади. Зеро кўкнорлар асосан бориш қийин бўлган тоғлик туманларда жойлашган, ёмғир ва тошқинлар ўғитни юйиб, уни одамлар ичиш учун фойдаланадиган, молларни сугорадиган ариқларга ташлайди. Шундай қилиб, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчи кишиларнинггина ҳаёти абгор бўлиб қолмайди, балки уларга халқаро ҳамкорликда, шу жумладан гиёҳвандлик моддалари гайриқонуний айланишига қарши кураш бўйича БМТ дастурларида ҳам фаол қатнашмоқда. Хорижий оғуфурушлар республикамиз ҳудудидан ўзларининг ажал келтирувчи юкларини ташиш учун борган сари кўпроқ фойдаланаётганлари ана шундай ҳамкорликни тақозо этмоқда.

Мартда Термиз шаҳрида гўё бизга тижорат мақсадида келган Афғонистон фуқароси ва уч

уринганда ушланди. Сариосиё бекатида Душанба-Москва поезди икки кузатувчисидан АКС автомати ва 2,5 килограмм наша топилди. Кузатувчиларнинг бири Тожикистонда, иккинчиси Сурхондарё вилоятида яшайди. Булунгур туманида Самарқанд-Тошкент йўналишида қатнайдиغان "Икарус-250" автобуси кўздан кечирилганда бахмаллик бекорчи Қўчқор Б.нинг сумкасида 4,5 килограмм кўкнор топилди.


Ангор туманидаги "Музработ" жамоа хўжалигида яшовчи Зарип Н. ушланди, унинг ёнидан 3,5 килограмм кўкнор чиқди. Ўш-Жалолобод йўлидан ўтаётган автомашина Хонобод яқинидаги ДАН постига тўхтатилганда ҳайдовчи Амин Б.дан деярли етти килограмм кўкнор топилди ва мусодара қилинди. Оғуфурушлар ўзларининг ажал келтирувчи юкларини сездирмасдан олиб ўтиш учун турли хийлалар ишлатишга ҳаракат қиладилар. Улар пойтахтда синчиклаб текширишларидан хавфсизлаб, Тошкентни четлаб ўтишга уриндилар. Лекин нақлиёт милицияси ходимлари матбуот орқали шунини маълум қиладиларки, автомобиль йўллари ва темир йўллар пухта назорат қилинмоқда, оғу билан пойтахтга етиб

келиш ҳам, уни четлаб ўтиш ҳам жуда мушкул. Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, МДХ қўшни давлатларининг бир қанча фуқаролари ушланган. Оғуфурушлар, чамаси, ўзларининг "минтақалараро ҳамкорликлари"ни янада фаол ривожлантирмоқдалар. Шу муносабат билан Ўзбекистон билан чегарадош МДХ мамлакатлари ички ишлар идоралари гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятчиликка қарши бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишлари керак ва бу борада чоралар кўрилоқда, ҳамкорликни чуқурлаштиришда ўзаро манфаатдорлик, барча саъй-ҳаракатни умумий мақсадга бўйсундиришга интилиш кучаймоқда.

"Қорадори-94" тадбирига қайтарканмиз, ўз ечимини қутаётган баъзи муаммоларни тилга олмасдан бўлмайди. Булар, асосан, албатта, тадбирни техник жиҳатдан таъминлаш билан боғлиқ муаммолардир. Бориш қийин бўлган тоғлик туманлар устидан учиб ўтиш ижарага олинган вертолётлар бу йил бир оз кечикиб ажратилди, натижада оғуфурушлар дастлабки ҳосилни йиғиб олишга муваффақ бўлдилар. Аслида милициянинг ўз вертолёти бўлиши керак. Ҳамма жойда бемалол ўта оладиган, тепаликларга чиқадиган "Жип" типидagi машиналарсиз ҳам тадбир ижроси қийин кечади. Терговни олиб бориш ва кейин ишни судга ошириш учун экспертлик хужжатлари билан ўз вақтида таъминлаш мақсадида гиёҳвандлик хом ашёси ва тайёр оғу турларини жойининг ўзида аниқлаб берувчи экспресс-лабораториялар ҳам мавжуд эмас. Оғузорлар ҳануз баъзан каттагина майдонларда қўлда йўқ қилинмоқда, бу эса куч ва вақтни беҳуда исроф қилишга олиб келади.

А. СТЕПАНОВ.

Суратда: Тошкент аэропортида ушланган Озарбайжон фуқароси, "Мария" кичик корхонаси ходими Я. Данилов. У сабзавот ва мевалар қутчасининг таг қисмига 1843 грамм гиёҳвандлик моддасини қўйиб, олиб ўтишга уринган эди.



АЛЕКСЕЙ ВА ДИМА мактабда бирга ўқишган қалин дўст. Уларнинг орасидан қил ҳам ўтмаслигига сабаб бор: орзу-умидлари бир, қандай бўлмасин, яхши яшаш, бойлик орттириш. Уйингда видеомагнитофон

ерлари ташлаб кетди ва охир оқибат қора курсига олиб келди. Эндигина мактабни амал-тақал тугаллаган Алексей ва Дима ўғирлик жинояти содир этгани учун озодликдан маҳрум этилди. Орадан икки-уч йил ўтар-ўтмас,

ярим тунда Яккасарой тумани Усмон Носир кўчасида жойлашган беш қаватли уйнинг томига чиқиб узоқ ўтиришди. Сўнгра бири пастга тушиб аввалдан мўлжалланган хонадонда биров бор-йўқлигини

бемалол эшикни очиб шеригини чақирди. Икки ҳамтовоқ бири-бирига маъноли кўз қисишиб ишга шўнғиб кетдилар. Улар бу уйни танлаб адашмаган эканлар. Қайси хонага кирманг, қимматбаҳо буюм ва электрон аппаратларга тўла. Кўзлари қамашган дўстлар барисини олишга, хонадонда ҳеч нарсани қолдирмасликка ҳаракат қилардилар. Хорижда ишланган видеомагнитофонлар, юздан ортиқ видео ва аудиотасмалар, бир нечта қимматбаҳо тақинчоқларни тўртта жомадонга жойлаштиридилар. Қолганларини эса чўнтакларига солишди. Бемалол юришга-ку ботина олмадилар. Шунинг учун икки тарафга қараб жўнашди. Ҳар иккисида ҳам зил-замбил юк. Ярим кечада таксилар кўринмасди. Алексей бироз юргандан кейин

қўллари толиб салгина нафас ростлаб олишга аҳд қилган ҳам эдики, катта ёруғ кўчадан зингиллаганича милиция машинаси ўтиб қолди. Милиция ходимлари эрта тонгда бундай оғир юк билан ким йўлга отланди экан дея, тўхташди. Шахсни аниқлаш узоққа чўзилмади, уни тезда ўғирланган моллар билан Яккасарой туман Ички ишлар бўлимига олиб бордилар. Алексей милициядагилардан бор гапни узоқ яшириб ўтирмади. Диманинг турар жойини ҳам айтди. Дима эндигина молларни уйга олиб кириб, оёғидаги туфлисини ҳам ечиб улгурмаган экан. Икки дўст қилган ўғирликларини тан олишди. Мана, икки дўст яна панжара ортида мўлтираб ўтирибдилар.

Мирзараҳим МАМАЖОНОВ, Тошкент шаҳар ИИББ ходими.

МЎЛТИРАБ ЎТИРИШИБДИ

бўлсаю истаган кинони ётивалиб кўраверсанг. Тагинда машина ва ёнингда кетворган жонона ҳам бўлса. Уни қўғирчоқдек қийин-тириб олиб ресторан-ресторан юрсанг. Ишламасанг-у катта-катта тишласанг.

Бу икки ёшни ана шу хомҳаёл режалари анча қийнади, тақдирларига чигаллик киритди. Ота-онадан бездирди, ошна-оғайнидан айирди, севикли

улар яна топишишди. Узоқ сирлашишди, тортган азобларию янги ўзлаштирган тажрибаларидан гапиришди. Яна ҳар галгидек навбатдаги операция режасини ишлаб чиқдилар...

Бу режа аввалгиларидан тубдан фарқ қиларди. Салкам бир ойлар тайёргарлик кўришди. Мана, уларнинг орзиқиб кутган дақиқалари ҳам етиб келди.

Режани амалга ошириш учун

аниқлади. Ҳеч ким йўқлигига ишонгач, томдаги дўстига имо-ишора қилди. Томда ўтирган шарпа дарҳол ишга киришди. Уйнинг енгинасида жойлашган хўжалик моллари дўконидан харид қилган арқонни аста пастга тушира бошлади. Сўнгра бир учини томдаги темир қувурга маҳкам қилиб боғлади-да, секин кўзланган уйнинг айвонига дераза орқали тушди. Кейин

Хизмат жойи — ички қўшинлар

ТЎЙГА ТАКЛИФНОМА

ОДДИЙ АСКАРЛАР Юнус Ёдгоров ва Абдусамат Ўролов хизматдошлари ўзларига бундай катта эътибор беришларини ҳеч ҳам кутмаган эдилар. Кимдир янги фуражка олиб келган, яна кимдир мундир тугмаларини янгилашни таклиф қилган — умуман олганда бу икки аскарнинг шаҳарга чиқиши бўлима ҳаётида катта воқеага айланган эди. Бўлима сардорининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, зобит Р. Қурбонов уларни синчиклаб кўздан кечиргач, қониқиб билан деди:

— Худди куёвга ўхшайсизлар! Энди тўйга боришларингиз ҳам мумкин...

Ҳақиқатан ҳам бир неча дақиқадан сўнг сардорнинг машинаси уларни Собир Х. ва Ҳабиба Р.нинг тўйига олиб келди.

...Уша куни кичик лейтенант З. Орипов ва оддий аскарлар Ю. Ёдгоров ва А. Ўролов шаҳар йўналишларидан бирида машинада патруллик қилмоқда эдилар. Кун пешинга яқинлашган, кўчада йўловчилар озайган пайт. Боши берк кўчалардан биридан ногоҳ аёл кишининг ердам сўраб қичқирган овози эшитилиб қолди.

— Машинани бур! — деди Орипов ва бир неча дақиқадан сўнг улар нохуш манзарога дуч келишди: калтакланган бир йигит ерда беҳуш ётар, икки йигит дағ-дағ титраётган қизнинг ёнида турарди. Воқеа шундоқ

ҳам тушунарли эди. Кичик лейтенант пичоқ ушлаган йигитга шиддат билан ташланди. Бир лаҳзада уни ерга ағдариб, қуролсизлантди. Бундан кўра шери ердамга ошққан эди, аскарлар уни маҳкам ушлаб олдилар. Қиз қувончидан йиглар, тинмай миннатдорчилик билдирарди. Ерда ётган йигитга (у қизнинг қайлиги экан) дастлабки тиббий ердам кўрсатилди. Оддий аскар Ёдгоров қизга игна ва ип узатди.

Милиция бўлимасида аниқлашларича, ушланган йигитлар маст бўлиб, "кўнгил ёзишга" аҳд қилишган, кўчада ўтиб кетаётган ана шу йигит ва қизни тўхтатишган. Ярамасларни қизнинг ялинишлари, кўз ёшлари ҳам тўхтатмаган. Суд ҳукмидан сўнг улар ҳушёр тортадилар деб ўйлаймиз.

Собир Х. ва Ҳабиба Р. бир-бирлари билан тезда гаплашиб олиб, кичик лейтенант Ориповга откритка беришди. У яқинда бўладиган уларнинг тўйига таклифнома эди. Улар шу атрофда турадиган танишларидан ЗАГСда гувоҳ бўлишни илтимос қилгани келмоқда эканлар. Энди эса келин-куёв уларни қийин дақиқада ҳимоя қилган ички қўшин жангчиларидан яхшироқ гувоҳларни топиб бўлмайди деб ҳисобладилар.

Лейтенант Ш. КАРИМБОВ.

МАРДЛИК НАМУНАСИ

Оддий аскарлар Мурод Пўлатов, Умид Сафаров, Рўзимурод Шукуровлардан иборат ҳарбий наряд шаҳар марказий бозорида жамоат тартибини сақлаш билан машғул эди. Бу ерда хизмат қилиш жангчилардан ўз бурчларини аниқ-пухта бажаришни талаба қилади; зеро бозорга фақат харидорларгина келмайди.

Бирдан ароқ-вино қўйиб сотиладиган павильон томонидан шовкин-сурон эшитилиб қолди: спиртли ичимликдан шерга айланган бир неча бадмаст киши кўчадан ўтаётганларга тегишиб, учраганини ҳақорат қилмоқда эди. Патруль бошлиғи оддий аскар Пўлатовнинг танбеҳига улар безориларча муносабатда бўлидилар. Улардан бири таҳдидли қилиб: "Ҳозир сизларга кўрсатиб қўямиз!" — деди. Орқа томондан яна бири аста келиб, кутилмаганда оддий аскар Сафаровнинг бошига

тушириб қолди. Жангчининг бошидан қон оқиб, кўзлари тиниб кетди. Умид оғриққа эътибор бермай, оломон ичига яширинишга уринган безорини қувлаб кетди. Бир неча дақиқадан сўнг безори ушланди. Шунда унинг ҳамтовоқлари дўстларини озод қилишга уриниб кўришди, лекин аскарлар бўш келмадилар. Кўп ўтмай нарядга ердам етиб келди ва безорилар қўлга олинди.

Оддий аскар Сафаров яна сафга қайтиб келди ва ўз хизмат вазифаларини бажаришда давом этмоқда.

Жанговар вазифани бажариш чоғида кўрсатган мардликлари учун оддий аскарлар М.Пўлатов, У. Сафаров ва Р. Шукуров бўлима қўмондонлиги томонидан тақдирланди, аскарларнинг ота-оналарига эса миннатдорчилик хатлари юборилди.

Капитан Р.ҚУРБОНОВ.

МУДДАТИДАН ТАШҚАРИ ХИЗМАТДА ҚОЛАМАН

БўЛИНМА САРДОРИ номига оддий аскар Одилбек Ортиқовдан билдирги келиб тушди. "Мени муддатидан ташқари хизматда қолдиришингизни илтимос қиламан", — деб ёзган эди жангчи.

Ортиқов бир ярим йиллик хизмат давомида улгайди, жамоада катта обрў-эътиборга сазовор бўлди. Взвод сардорининг тавсифномасига оддий аскар Ортиқов хизматнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўзининг ҳалол ва интизомли аскарлиғи кўрсатгани сабабли унга энг масъулиятли пост — назорат қилиш-ўтказиш пунктининг соқчилиғи

топширилганлиги айtilган эди. Жиноятчи унсурлар объектга киришга бир неча марта уриниб кўришди, лекин Ортиқов ва бошқа ҳушёр соқчилар ҳеч қандай макр-хўйлага учмадилар.

Хизматга эндигина келган пайтида Одилбек ўзидан катта ёшли хизматдош ўртоғи Толмас Тожиевдан кўп нарсаларни ўрганган эди, энди ўзи ҳам бўлимининг ёш аскарларига устозлик қилмоқда. Хизматда катта маҳоратга эришган О. Ортиқов муддатидан ташқари хизматда қолишга ва ўзини ҳарбий ишга бағишлашга аҳд қилди.

Лейтенант Ш. ҲОҶИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси ИИБ расмий илтимосномаси ва Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги Улугбек маҳалласи аҳолисининг сўрови бўйича Кабулов ва Ниезбек кўчалари ораллиғида жойлашган Билбас кўчасига генерал Шералиев номи берилди. Республика ички ишлар идораларининг масъул раҳбар ходимларидан бири, айна шу кўчада истикомат қилган эди.

Ўз Ватанининг чинакам ватанпарвари бўлган Мурод Шералиев ўз ҳаётини халққа хизмат

СССР ИИХК Олий мактаби қошидаги раҳбар кадрларни тайёрлаш бўйича курсларда таҳсил олди. Айна шу вақтда уруш бошланиб қолди. Давлат хавфсизлиги лейтенанти унвонида курсларни битирган М. Шералиев 1941 йил декабрида Ўрта Осиё ҳарбий округи 99-отлик дивизияси ИИХК алоҳида бўлимининг бошлиғи этиб тайинланди. Кейин ИИХКнинг Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлади. 1942 йил ноябрдан у Ўзбекистон ССР ИИХК Милиция

ва саводли ходимлар билан тўлдириш, шунингдек ИИБ идораларини ишончга лойиқ бўлмаган, ўзининг обрўсини тўккан кишилардан тозалаш бўйича катта иш олиб борди.

У шахсий таркиб ўртасида интизомни мустаҳкамлаш ва оммавий-сиёсий ишни яхшилашга катта эътибор берди, ходимларнинг эҳти-ежларига сезгирлик билан муносабатда бўлди.

1953 йил майда М. Шералиев республика адлия вазир, 1956 йилда эса Ўзбекистон ССР прокурори этиб тайинланди.

1958 йил февралдан бошлаб 13 йил давомида М. Шералиев Тошкент вилоят ижроқўми ички ишлар бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлади. 1965 йил май ойида унга ички хизмат генерал-майори унвони берилди. Ана шу масъулиятли лавозимда у бошқарма ва унга бўйсунувчи идораларнинг фаолиятини яхшилашга қаратилган бир қатор ташкилий ишларни амалга оширди, вилоятда жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш вазифаларини собитқадамлик билан ҳал эта борди.

1971 йил июнда М. Шералиев касаллиги туфайли ички ишлар идораларидан истеъфога чиқди.

М. Шералиевнинг фидокорона меҳнати ва Ватан ҳамда халқ олдидаги хизматлари муносиб тақдирланди. У Октябрь Инқилоби, Иккита Қизил Юлдуз, "Хурмат белгиси" орденлари, ўндан ортик медаллар, шу жумладан, "Жанговар хизматлари учун", "Меҳнатдаги жасорати учун", "Жамоат тартибини сақлашдаги хизмати учун", "Германия устидан қозонилган ғалаба учун" медаллари, "ИИХК хизмат кўрсатган ходими" кўкрак нишони, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Фахрий ерликлари билан мукофотланди.

Халқ ўзининг муносиб фарзандларини ҳеч қачон унутмайди. М. Шералиев номи билан аталган кўча бунинг исботидир.

Р. ҲОШИМОВ,
истеъфодаги ички хизмат
полковниги, юридик фанлар
номзоди.
Суратда: ички хизмат
генерал-майори М. Шералиев.

КЎЧАГА УНИНГ НОМИ БЕРИЛДИ



қилишга бағишлади, кишиларда ўзи ҳақида эзгу хотира қолдирди.

М. Шералиев 1916 йил февралда Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Дўрмон қишлоғида туғилди, ёшлигидан билим эгаллашга интилиди. Тошкентдаги халқ хўжалиғи ва ҳисоб техникумини тугатгач, Самарқанд халқ хўжалиғи институтида таҳсил олди.

М. Шералиев ИИХК идораларида 1938 йил май ойидан хизмат қила бошлади. Аввалига ИИХКнинг Самарқанд вилояти бўйича бошқармасида, сўнгра ИИХКнинг Оқдарё туман бўлимида тезкор вакил, бошлиқ, Каттакўргон шаҳар бўлими бошлиғи бўлди. 1939 йил августда унга Давлат хавфсизлиги сержанти унвони берилди.

Давлат хавфсизлиги халқ комиссариатининг Самарқанд вилояти бўйича бошқармаси бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлаётганида у

бошқармаси бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлади. 1943 йил февралда унга Давлат хавфсизлиги капитани, июнда эса милиция подполковниги унвони берилди.

ИИХК ва милиция идораларида ишлаган даврида М. Шералиев ўзини тезкор-чекистлик ишини яхши биладиган ходим сифатида кўрсатди.

1945 йил июнида у Қорақалпоғистон АССР Ички ишлар халқ комиссари, 1947 йил ноябрда эса Ўзбекистон ССР ички ишлар вазирининг кадрлар бўйича ўринбосари этиб тайинланди. 1948 йил февралда унга полковник унвони берилди. 1950 йили Тошкент юридик институтига тугатди.

ИИХК-ИИБ идораларида ишлаш даврида М. Шералиев катта тажриба орттирди. Ўзининг билим ва тажрибасидан амалиётда маҳорат билан фойдаланди. Ўзбекистон ССР ИИБ идораларини текширувдан ўтган

УЙИГА ҚАЙТИБ КЕЛМАДИ

БУНДАЙ ибора ота-оналарни даҳшатга солади. Фарзандимиз мактабдан, дискотежа еки кинотеатрдан ўз вақтида уйга келмаса, албатта, ташвишланамиз.

Бедарак кетган боласини топишдан умидини узиб, милицияга ердам сўраб мурожаат қилган ота-оналарнинг гамини тасвирлаш осон эмас.

1994 йилнинг биринчи ярим йиллигидаёқ Тошкент вилоят ИИБда болалар йўқолишининг 55 ҳодисаси рўйхатга олинди. Ҳозиргача уларнинг 44 таси ёки 80 фоизи топилиди ва ота-оналарига қайтарилди.

Кўпинча 14 ёшгача бўлган болалар йўқолади. Бу ёшдаги болалар жуда ишонувчан бўлиб, ўз ҳаётларига нисбатан хуружлардан ўзларини ҳимоя қила олмайдилар.

Ўсмирларнинг ана шундай хусусиятларидан жиноятчилар моҳирлик билан фойдаланадилар.

14—15 ёшга етган ўсмирлар ўзини катта бўлиб қолган ҳисоблаб, ҳар қандай тақиқларни тан олмай қўядилар. Улар ота-онасининг гапини икки қилиб уйдан кетиб қолишлари ҳеч гап эмас ва кўпинча турли хил жиноий хатти-ҳаракатларга аралашиб қоладилар.

Бўстонлик туманида яшовчи Алла Н. Чирчиқ шаҳрида ўқир, унинг таниш-билишларининг кўпчилиги ҳам ўша ерда истикомат қиларди. Февралда Алла ота-онасининг рухсатсиз уйдан чиқиб кетди ва қайтиб келмади.

Унинг ота-онаси обдон қидиришган, бироқ ҳеч қандай натижа қидиришган.

Фақат 10 кун ўтгач, улар милицияга мурожаат қилдилар. Шу пайтдан

бошлаб қиз бедарак кетган деб ҳисоблана бошлади.

Милиция ходимлари қидирувни бошлаб юбордилар. Чирчиқдаги унинг курсдошлари билан суҳбатлашдилар, танишларининг уйларида бўлдилар. Ҳамма куч-ҳаракатлар беҳуда кетиб, Аллани шаҳарда топиб бўлмайди деб туюлган лаҳзада унинг Чирчиқ шаҳрида яшайдиган қариндошлари борлигини билиб қолишди. Қизнинг ота-онаси ҳам уларни эсдан чиқаришган экан.

Алла уйдан кетиб қолишининг сабабини ота-онасининг унга нисбатан хаддан ташқари каттиққўллиги билан изоҳлади. Кинотеатрга еки дўстлари билан ўтиришга бориш учун у ота-онасидан бир неча кунлаб илтимос қиларкан.

Бекободлик ўн уч яшар Равшан Д.нинг ўз уйдан ўзбошимчалик билан кетиб қолиши ҳам ота-онасининг ташвишини зиёда қилди. Ўсмир қўшни Тожикистондан топилиди.

Ота-она болалар тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйган, ўз фарзандларидан бегоналашган нохуш оилалардан кўпинча болалар қочиб кетишини рақамлар яққол кўрсатмоқда.

Оилада келишувчилик бўлмаса, доим можаролар ҳукм сурса, болаларнинг ўзлари шовкин-сурон бўлмайдиган осойишта жойини излаб қоладилар.

Бедарак йўқолган 55 воёга етмагандан 45 таси мактаб ўқувчиси. Мактабдаги ихтилофдан сўнг қайтиб келмайдиган ўсмирлар ҳам кишини ташвишлантиради. Бундай ихтилофлар ўқувчилар ўртасида эмас,

балки ўқитувчилар билан ўқувчилар ўртасида юз беради деб ишонч билан айтишимиз мумкин. Очигини айтиш керак: баъзан ўқитувчиларда сабр-тоқат ва совуққонлик етишмайди, асоссиз бўлсада тезда ҳулоса чиқаришга мойил бўладилар, бундан эса болалар азият чекадилар ва ўзига хос норозилик белгиси сифатида уйдан қочиб кетадилар.

Топилган болаларни уйларида бир хилда кутиб олмаётдилар. Бир хил оилаларда ота-оналарнинг қувончи чексиз бўлиб, буларда ҳамма иш бундан кейин аъло даражада бўлишига ишонч ҳосил қиласиз. Лекин бошқача оилалар ҳам бор. Уларда илқилик, ҳамдардлик ҳисси мавжуд эмас, энг муҳими, ота-оналар билан болалар ўртасида бир-бирларини тушуниш ҳиссининг йўқлиги ўсмирларни яна уйдан қочиб кетишга ундайди.

Топилган бир ўсмирни ўз оиласига олиб келишганига гувоҳ бўлган эдим. Онанинг юзида шодлик эмас, унда тундлик пайдо бўлди. У милиция ходимларига очикдан-очик бекорга овора бўлиб қидириб топишганини, унинг яна уйдан қочиши аниқлигини айтди. Бундай ҳоллар ҳам учрайди.

Ўсмирнинг ўз оиласидан ўзбошимчалик билан қочиб кетишининг ҳар бир факти ота-оналар учун оилада ҳамма нарса ҳам жойида эмаслиги ҳусусида огоҳлантириш бўлиб хизмат қилсин. Бола билан ўзаро муносабатлардаги дарзни топиш ва бартараф этиш — уларнинг асосий вазифасидир, акс ҳолда кулфат юз бериши муқаррар.

Ш. АҲМЕДОВ,
милиция подполковниги.

МУХБИР: — Хукук-тартибот идоралари ходимлари республикада вазиятни янада яхшилаш, жиноятчиликнинг турли кўринишлари олдини олиш борасида талай ишларни қилаётирлар. Бу борада Сиз бошчилик қилаётган вилоят ички ишлар божкармаси ходимлари қандай ишларни амалга ошираётирлар?

Э. НОРИТОВ: — Бизнинг иш-мизни ҳолисанлило баҳолаш учун ҳеч бўлмаганда 1992 йил билан қиёслаган ҳолда маълумотлар келтираман.

Икки йил муқаддам вилоят бўйича 4785 турли хил жиноятлар рўйхатга олинган эди, 1993 йилда у 73 тага кам бўлди. Агар ўтган йилнинг 4 ойида 1653 жиноят содир этилган бўлса, 1994 йилнинг шу даврида ҳам унинг озаёшига эришдик.

Жиноятларнинг очилиши 5,3 фоиз кўпайди. Оғир жиноятлар — қотилликлар, тан жароҳати етказишлар, талон-торож қилишлар ва босқинчиликнинг анча камайганини қувонч билан таъкидлаш лозим. Масалан, қотилликлар миқдори бир йил ичида 14 фоиз озаёиди. Номусига зўрлаб тегиш сингари қабих жиноятлар сезиларли даражада камайди. Хонадонларга ўғирликка тушишлар ва бошқа хил ўғирликлар анча озаёиди.

Яна бир муҳим тафсилотни таъкидлаш керак: ўтган йилнинг тўрт ойи ичида ўсмирлар томонидан 138 жиноят содир этилган, ҳозирги йилнинг ана шундай даври ичида 93 тага тушган.

Бу рақамлар жиноятларнинг олдини олиш бўйича ишнинг кучайтирилганидан далолат беради.

МУХБИР: — Эркин Норсодиқович, ҳозир сиз тилга олган нарсаларни муваффақият,

деб аташ мумкин бўлса, унинг гарови нимада деб ўйлайсиз?

Э.НОРИТОВ: — Саволингиз ўринли. Бироқ қидирув идоралари сингари милиция ҳам халқ билан ҳамбарчас алоқада бўлсагина кучлидир.

Милиция хизматини такомиллаштириш, техника воситалари билан мустаҳкамлаш — иккинчи омилидир. Биз замонавий техник-криминалистик анжомларга эгамиз. Эксперт-криминалистика хизматимиз тезкор ва терговчи

маълумоти бор, билимдон, ўз ишига содиқ ходимлар ҳисобига янгилаш, ҳатто ешартириш борасида кўп ишларни амалга оширдик.

Хизматга 129 нафар кишини янгидан қабул қилдик, улардан 40 киши махсус ўқув юрларини тугатган ва 89 киши меҳнат жамоаларининг йўлланмалари билан қелишган.

Шу йилнинг тўрт ойи ичидагина 58 ходимни хизматдан бўшатишга мажбур бўлдик, уларнинг 15 нафари ўзини бадном қилиб қўйган эди.

Шуни таъкидлаш лозимки, кўп еш

ХИЗМАТ ОФИР, ЛЕКИН ШАРАФЛИ

дейди Наманган вилоят ҳокимияти ИИБ
бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Э. Н.
НОРИТОВ

ходимлар билан яқиндан ҳамкорликда ишламоқда.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Уйчи туманида номаълум фирибгар бир кунда бир неча фуқародан бир қанча миллионни шилган. Жабрланганларнинг тасвирлаши бўйича криминалистларимиз товламачининг қиёфасини “чиздилар” ва кўп ўтмай у қўлга олинди.

Учинчи омил — ходимларимиз. Кейинги икки йил ичида ички ишлар идоралари шахсий таркибини

ходимларимиз жамоалар ҳаётига тез киришиб кетдилар, ўзларини ишда кўрсатдилар. Булар — Наманган шаҳар ИИБ жиноят-қидирув тезкор вакиллари С. Сотиболдиев, Х. Хотамов, Ш. Саидов, Совет тумани ИИБдан Д. Мамажонов ва А. Кимлар шулар жумласидандир.

МУХБИР: — Баъзан айрим милиция ходимларининг ёмон ишлаши, ҳатто улар томонидан қонунларнинг бузилиши хусусида фуқароларнинг шикоятларини эшитишга тўғри келади.

Э. НОРИТОВ: — Бу саволни берганингиз жуда яхши бўлди, буни кутиб турган эдим. Биз халққа хизмат қиламиз.

Мен катта ва ўзига хос жамоанинг раҳбари сифатида, шубҳасиз, ходимлар обрўси учун жон куйдираман ва бунинг учун курашаман. Ўзимнинг виждонан ишлайдиган ходимларимни хафа қилдириб қўймайман. Лекин шу билан бирга айбдор бўлган, бунинг устига ҳуқуқни бузишга йўл қўйган ходимларни ҳеч қачон, ҳеч қандай ҳолатда ҳимоя қилмайман.

Ўз лавозимларига нолайиклиги туфайли 1993 йилда 28, шу йилнинг бошидан бери 6 киши хизматдан бўшатилди. Улар милиционер деган шарафли номга доғ туширган эдилар. Шу билан бир қаторда бошқарма шахсий таркибдаги ходимларнинг малакасини ошириш, ҳар томонлама етук, билимли, касб маҳорат жиҳатидан тажрибали бўлиши учун катта эътибор бермоқдамиз. Ҳозирги кунда шахсий таркибимиз олий ва ўрта махсус ўқув юрларини битириб келган ешлар ҳисобига тўлдирилди.

Вилоят ИИБ идоралари фаолиятида ҳал қилинмаган муаммолар, камчилик ва нуқсонлар йўқ десак, эҳтимол тўғри бўлмас. Яқинда-вилоят ИИБнинг навбатдаги кенгашида шу ҳақда гапирилди. Унда вилоятдаги барча шаҳар, туман, кўрғон ИИБ раҳбарлари қатнашди. Амалдаги қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва бошқа шу куннинг муҳим масалалари муҳокама этилди ва тегишли қарор, режалар тузиб олинди. Бу эса келажакда, албатта, ўз самарасини беради, деб ўйлайман.

МУХБИР: — Режаларингиз амалга оширишда тилакдошман.

Э. НОРИТОВ: — Раҳмат.

Сухбатдош: Мурод ТИЛЛАЕВ.

Саҳифада: Наманган вилояти

МУАЛЛИМ "КАТТА ТАНАФФУС" ДА...

ТЎРАҚЎРҒОН туманининг Яндама қишлоғида яшовчи Абдулҳодиди Жўрабоевнинг сигирини довлисидан кимдир ўғирлаб кетди.

Туман ИИБ ходимлари ўғирларни ушлашди. Улардан бири 49-мактабда ўқитувчи бўлиб ишловчи Абдулбори Саидов экан. У ўртоғи — Лангарбобо қишлоғида яшовчи Ҳасанбой Ҳасанов билан бу қинғир ишга қўл урибди. Ўнлаб ўқувчиларга таълим берувчи муаллимки, шундай “каромат” кўрсатиб турса, ўқувчилари нима қилсин?!

ЖАҲЛ ЭРНИ ЕР ҚИЛДИ

ЭР-ХОТИННИНГ уруши — доқа рўмоннинг қуриши, деган нақл бор. Лекин Чуст туманидаги Каркидон қишлоғида эр-хотиннинг жанжаллари оқибати биз ўйлагандан ҳам ҳунук бўлди.

“Каркидон” жамоа ҳўжалигида ишловчи Валижон Давронов турмуш ўртоғи Рабоҳат Давронова билан жанжаллашиб, жаҳл устида хотинига ва ўзига пичоқ уриб жароҳатлади. Эр-хотинни касалхонага ётқизишди. Тиббиёт ходимлари қанчалик уринишмасин, Рабоҳатни сақлаб қополмадилар. У орадан уч кун ўтгач, касалхонада жон берди. 54 ёшли В. Давронов қилмишидан пушаймон. Аммо қонуннинг ўз йўриғи бор.

БОЗОР ГЎШТСИЗ ҚОЛДИ...

ЧУСТ ТУМАНИ Варзик қишлоғида яшовчи уч ўртоқ — Маъруфжон Аҳмедов, Дилмурод Бозоров ва Дилмурод Даминов бозорга тез-тез қатнайдиган бўлиб қолишди. Эндигина 19 баҳорни қаршилаган биродорларнинг бозори яхши юришгани билан омадлари чопавермади. Ички ишлар ходимлари бу уччовлон “қассоб”лар гўштни қаердан олиб сотишгаётгани билан қизиқиб қолдилар. Аниқланишича, улар ҳамқишлоқлари Мамажон Саробовнинг уч бош қўйини дала шийпонидан ўғирлаб кетиб, бозорга олиб келишган экан.

Чуст тумани ИИБ ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида уларнинг қилмиши фожия қилинди.

БРИГАДИР БИР НАРСАНИ БИЛАДИ...

ЧУСТ ТУМАНИДА “Қорадори-94” тадбири ўтказилиши жараёнида ўз томорқаларида гнёҳванд ўсимликлар етиштираётган бир неча шахслар аниқланиб, жиноий жавобгарликка тортирилди. Қуйида туман ИИБ ходимларининг фақат икки кун давомида рўйхатга олган далилларини келтирамиз.

Тадбир ўтказилаётган даврда Шўркент қишлоғи, Гулшан кўчаси, 29-уйда яшовчи 71 ёшли Шаҳодат Шорустамовнинг томорқасида 14 туп, шу кўчанинг 30-уйида истиқомат қилаётган, 1960 йилда туғилган, “Машъал” жамоа ҳўжалигида бригада бошлиғи бўлиб ишловчи Собиржон Тожиевнинг томорқасида 17 туп, шу кўчанинг 31-уйида яшовчи, 1955 йилда туғилган Мамажон Мирзалиевнинг томорқасида эса 29 туп кўнор ўсимлиги ўстирилаётгани аниқланди. Бундан ташқари, Шоён қишлоғи, генерал Норхўжаев номи жамоа ҳўжалигида бригадир бўлиб ишловчи 51 ёшли Жўрабой Нурматовнинг шахсий томорқасида ҳам 25 туп ишлов берилган кўнор ўсимлиги етиштирилаётгани аниқланди (ўсимликлар йўқ қилинган).

Тадбир давомида Варзигон қишлоғида Ҳамиджон Абдуллаевнинг томорқасидан 2424 туп, Давлатбой Ҳусановниқидан эса 1500 туп кўнор ўсимлиги етиштирилаётгани ҳам аниқланди ва йўқотилди. Юқорнда келтирилган барча далиллар устидан тергов ишлари бошлаб юборилган.

Б. ОМОНЗОДА.



ҲАММА ЖОЙДА бўлганидек, Учқўрғон туманида ҳам жиноятлар содир этилишининг олдини олиш ва уларни ўз вақтида очишга катта аҳамият берилмоқда.

Бу вазифа унчалик осон эмас. Учқўрғон тумани ҳудуди 295 квадрат километр бўлиб, бу ерда 113 минг киши яшамокда. Туман Наманган вилоятининг Норин, Уйчи туманлари билан, 40 километрлик масофада эса Қирғизистон Республикаси билан чегарадош. Туманда бир қатор саноат корхоналари: ег, пахта тозалаш, таъмирлаш заводлари, нон маҳсулотлари, ип газламалар комбинатлари ишлаб турибди.

Йил бошида илгари содир этилган жиноятлар чуқур таҳлил қилинди, маълум бўлишича, уларнинг кўпчилиги тунда содир этилган экан. Натижада шахсий таркибнинг бир қисми тунги вақтда хизмат қилишга ўтказилди.

Туман ҳокими ИИБнинг таклифини маъқуллаб, тунда бирга патруллик қилиш учун 10 автомашина ва кўнгилли халқ дружинасининг 50 аъзосини ажратди.

Тумандаги 42 мактабнинг ҳаммасида* 26 корхонада, жамоа ва давлат ҳўжаликлари, маҳаллаларда жиноятчиликка қарши кураш масалалари тушунтириб берилган учрашувлар ўтказилди.

Хисобга олинган ҳар бир киши билан профилактика иши олиб борилди, бештаси устидан эса маълумий нazorat ўрнатилди.

Туман ИИБ шахсий таркибига улар олдида қўйилган вазифаларнинг

КИРГИЗИСТОНЛИК ҲАМКАСБЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

муҳим эканлиги тушунтирилди, ижро интизоми қаттиқ назорат остига олинди.

Бу чоралар ижобий натижа бера бошлади. Чунончи, биринчи ярим йиллик якунлари бўйича туманда умуман жиноятчилик 39,7 фоизга, жиноят қидирув бўйича — 31,5 фоизга, оғир жиноятлар 38,2 фоизга камайди, жиноятларни очиш 82,4 фоизни ташкил этди.

Тан жароҳати етказиш, қишларнинг ўлимига сабаб бўладиган йўл-транспорт ҳодисалари миқдори камайди.

Ўсмирлар жиноятчилигининг олдини олиш мақсадида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда туман ва шаҳар ўқув юрларидан учрашувлар ўтказилди. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли қилишга, профилактика ишига катта эътибор берилди.

Натижада ўсмирлар томонидан содир этиладиган жиноятлар 14 тага, илгари судланганлар томонидан содир этилганлар учтага камайди.


ИИБнинг бошқа хизматлар бўйича кўрсаткичлари ҳам яхшиланди.

Яхши кўрсаткичларга эришишда қўшнилари — Қирғизистон Республикаси Новкент тумани ИИБ ва Тошкўмир шаҳар Шамолдисой кўргони милиция бўлими билан ўзаро тигиз муносабатлар ўрнатилганлиги муҳим аҳамият касб этди. Бунда Шамолдисой кўргони милиция бўлимининг бошлиғи, милиция майори А. Мудровнинг хизмати катта бўлмоқда.

Кейинги уч ойнинг ўзидагина Учқўрғон тумани ИИБнинг милиция майори Х. Эралиев бошчилик қилаётган жиноят-қидирув бўлини маси ходимлари ўғирлик қилгани учун қидириладиган Р. Девишев, Х. Солиев ҳамда муқаддам судланган П. Цагараевларни ушладилар ва Қирғизистон милицияси ходимларига топширдилар.

Бўлимимиз жиноят-қидирув ходимлари томонидан Қирғизистоннинг Новкент туманида содир этилган учта жиноятни ҳам очдилар (давлат мулкни ва фуқаролар мол-мулкни икки марта ўғирлаш).

Фуқаролар М. Мусаев ва Д. Қирғизбоев фуқаро М. Тоировнинг



учта молини ўғирлаётганда ушландилар. Тергов давомида улар юқориди тилга олинган учта жиноятни содир этганликлари ҳам аниқланди. Бу шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Бўлим фаолиятида камчиликлар ҳали оз эмаслигини таъкидлаш лозим, лекин раҳбарият, шахсий таркиб томонидан тезкор хизмат фаолиятини яхшилаш учун ҳамма чоралар кўрилмоқда.

Т.ХОЛДОРОВ,
Учқўрғон тумани ИИБ бошлиғи,
милиция подполковниги.

Суратларда: Учқўрғон туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Т. Холдоров ва унинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, милиция подполковниги О.Шарипов ДАН ходимлари билан бирга тезкор тадбирлар режасини муҳокама қилмоқда; туман ИИБ навбатчи қисмининг навбатчиси, милиция катта лейтенанти К. Соҳибов ва унинг ёрдамчиси, милиция старшинаси Т. Эшонкулов пулт ёнида.

Б. ХОЛМИРЗАЕВ олган суратлар.

СУДЛАНУВЧИЛАР Аҳмаджон Орзиев ва Исроил Сартоев тенгдош, ҳамюрт — 1972 йилда туғилган, Ёзевон туманидаги Гулистон қишлоғилик.

Одамларнинг юзига қарай олмайётган икки забардаст йигит галма-гал бош чайқаб қўйишади, бу

Яхшиси, бир «иш» бор. Ўшани қойиллатсак, марра бизники. Ҳам бизнес бўлади, ҳам чўнтак қаппайди.

— Қанака иш экан? Қўлимиздан келадими, ахир?

— Икки шер йигитнинг қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи борми?

Шу тариқа Исроил ўзининг

амакиси Маҳмуджон Сартаева илтифот кўрсатишиб, иккита эркаклар қўлагини арзонга сотишди ва битта тўнни текинга бериб юборишди. Арзон-гаровга савдоси пишган М. Сартоев жиянига миннатдорчилик билдирди. Шундан сўнг маҳалладагиларга таклиф қилишди.

маҳалладошлари билиши мумкин, холос. Терговчи ҳам шу таҳминга алоҳида эътибор берди. Натижада масала бора-бора ойдинлашиб, тез орада ўғриллар қўлга тушди.

Ёзевон туман суди Исроил Сартоев ва Аҳмаджон Орзиевларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 125-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топиб, уларни 7 йилу 6 ойдан озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Халқимизда «Бир болага етти маҳалла оталик қилади», деган пурмаъно нақл бор. Икки еш йигитнинг жиноят йўлига киришида нафақат ота-онанинг, балки маҳалла, қишлоқ аҳлининг, барчамизнинг тарози палласи кўтаришга дош беролмайдиган даражада айбимиз бор. Бу гапларни айтиш билан ишни яхши томонга ўзгартириб бўлмайди. Лекин кейин шундай ишлар бўлмаслиги учун ҳар биримиз ўзимизни маълум даражада масъул деб билишимиз керак. Ота-она фарзандининг ҳаракатларини қаттиқ назорат қилса, маҳалла оқсоқоллари, катталар ешларнинг бемаъни ва нотўғри қилиқлари учун дакки бериб турса, ҳуқуқ-тартибот идоралари аҳоли ўртасида тарбиявий-профилактик ишларни яхши йўлга қўйса, мана шундай кўнгилсиз воқеаларнинг олди олинади. Шунда бир одам зир қақшамас, иккинчиси эса тенгсиз азобга йўлиқмас эди.

Бўрибой Раҳмон ОМОНЗОДА,
«Постда» мухбири.

АЧЧИК ҚИСМАТ САБОҚ БЎЛСИН

АРОҚ ШИША ичида тинч туради, дейишлари бажиз эмас экан. Бўлмаса, эл қатори тинчгина меҳнат қилиб уч норасида гўдагини боқиб юрган Сайфуллонинг бошига шунчалик қора кўнларни солармиди.

Сайфулло ўртоғи Шавкат билан тушлик қилмоқчи бўлиб ошхонага кирди. Овқат олгач, иштаҳа учун оз-оздан ичишди, қизи олиш учун яна ароқ буюришди. Сайфулло ташқарида турган жамоа ҳўжалигига қарашли «КамАЗ» машинаси борлигини ҳам ўйламай роса «тортиди». Ароқдан тўйиб олгач, машинасига ўтириб жамоа ҳўжалигининг ениги қуйиш шаҳобчасига келди. Ениги қуювчи К. Жўраева машинасига ениги беришни буюрди. К. Жўраев эрталаб ениги берганлигини, энди руҳсат кераклигини айтганда, ароқ таъсирида ўзини шер ҳисоблаган Сайфуллонинг қандайдир «заправкани»га сўзи ўтмаганлиги нафсониятига тегиб, вужудини жунбушга келтирди. «Сенми ҳали сўзимни қайтармаган, ҳозир менинг қимлигини кўрасан», деб рулга ўтирди-да, машинанинг орқаси билан панжарани уриб йиқитди. Сўнгра портлаш хавфи бўлишига қарамадан ениги қуйиш колонкасини урди. Боз устига, К. Жўраевнинг хотинига «Сен эринг бўлмаган пайтда фуқароларга жамоа ҳўжалигининг бензинини сотасан», деб мушт туширди, ҳақоратлади. Жабрланувчи М. Жўраева безорини тийиб қўйиш мақсадида туман Ички ишлар бўлимига қўнғироқ қилиб, воқеани айтмоқчи бўлганида, унинг орқасидан хонага кириб, «Агар милиция ходимларига қўнғироқ қилсанг ўлдирман», деб қўлидаги ўтқир учли бурагич билан таҳдид солди. Аелнинг эри К. Жўраев Сайфуллонинг қўлидаги бурагични деразадан қўчага улоқтирди.

Вобкент тумани халқ суди С. Муртозоев содир этган жиноятларни атрофлича ўрганган, уни 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Маҳкум жазони кучайтирилган режимдаги ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида ўтади.

Менимча, Сайфуллонинг аччиқ қисмати бошқаларга сабоқ бўлиши керак.

Шухрат Қўлдошев,
милиция майори

ТИЖОРАТЧИ БЎЛОЛМАДИЛАР

— кейинги пушаймон. Қайсики, ундан ҳеч қандай наф йўқ.

Исроилда бу қалтис фикрнинг қандай пайдо бўлганлигини ўзи ҳам билолмай хайрон. Оддий қишлоқ йигити. Далада ишлаб, тинчгина тирикчилигини қилса бўлмайди?! Нимасини айтасиз, мана деҳқонлар уч-тўрт ойлаб пул олишолмаяпти. Лекин чидаяптилар, Исроил эса чидаемлади. Фикру зикри фақат бир нарсасида боғланиб қолган эди — қани энди унинг сармоясини бўлсаю, бошқаларга ўхшаб «бизнес» қилиб юрса.

Кечкурун апил-тапил овқатланиб, маҳалладош, ешлигидан тепишиб ўсган дўсти Аҳмаджоннинг олдига борганида суҳбатнинг мавзуси шу масала бўлди. Дўстининг дарди ҳам ўзиникидан қолишмас экан.

— Аҳмад, гапириб ўтираверсак, гап тугамайди — деди Исроил.

режасини айта кетди. Бу Аҳмаджонга маъқул тушди.

Кечаси соат йигирма иккилар чамаси икковлон маҳалладошлари Махсутали Тиллаевнинг уйига яширинча кириб, тузукроқ «даромад» қилишга келишишди. Ўша куни Тиллаевлар хонадонидида ҳеч ким йўқ эди.

Айтилган вақт бўлгач, улар ҳовлининг очик жойидан Тиллаевнинг уйига киришди ва қўлларига илинган, пуллари бўладиган нарсаларни қопга жойлаштира бошладилар. Бу ҳам етмагандек, сандиқни очиб, хонадон эгасининг тўйга деб, яхши ниятда йигиб қўйган қўйлақлик матолари, рўмол, шим, жемпер, тўн ва бошқа нарсаларни қопга тикдилар.

Эртаси куни улар ўғирланган нарсаларни пуллашга киришдилар. Дастлабки харидор Исроилнинг

Уларнинг айримлари нарсаларни насияга олишди, айримлари пуллари йўқлигини айтиб, сотиб олишмади. Маҳаллада савдо яхши юришмагач, «тижоратчи» дўстлар «товар»ларини қўшни Комсомолобод туманидаги «Навбахор» болалар боғчаси ходимларига кўтарасига пуллашди. «Савдо»дан тушган пуллари эса ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишди.

Махсутали Тиллаевнинг уйига ўғри тушиб, унинг кўпгина нарсаларини ўғирлаб кетгани тўғрисидаги мишмиш Гулистон қишлоғига тез тарқалиб, ҳаммани лол қолдирди. Ўғриллар шу қишлоқдан эканлигини Тиллаев ҳам, маҳалладагилар ҳам тўғри тахмин қилган эдилар. Чунки қишлоққа бегона кимса келадиган бўлса, дарров кўзга ташланади. Қолаверса, айнан шу куни Тиллаевнинг уйида ҳеч ким бўлмаслигини фақат

ДАН ҳаётидан

ОТНАЗАР Жуманиезов ўзи ишлаётган 79-автокорхона билан шартнома тузиб «ЗИЛ-130» русумли, давлат белгиси 36-07 ХЗД бўлган машинани ижара асосида бошқара бошлади. Кўнларнинг бирида у дўсти Жуманиезов билан бир гурунлашиб ўтиш мақсадида йўл-йўлакай унинг уйига кирди. Бир неча ойдан бери дийдорлашолмай юришган бу икки дўст мириқиб суҳбатлаша бошлашди. Отаси билан меҳмоннинг ширин суҳбатга «шўнгиланлигини»

давом эттирди. Ҳайдовчининг маст ҳолда транспорт бошқараётганлигидан шубҳаланган ДАН ходимлари уни тўхтатиб қолмоқчи бўлишди. Аммо ҳайдовчи тезликни янада оширди ва йўл чеккасида бораётган Хударган Машариповни уриб юборди. Бироқ ҳайдовчи жиноят содир қилган бўлса-да, тўхтамасдан йўлида давом этди. Меъеридан зиед ичилган ароқ ўз таъсирини кўрсатганди. Жамол машинани бошқаролмай ариққа ташлади.

— Хива туманининг Ал-Хоразмий номи жамоа ҳўжалигида яшовчи Жамол Абдиезов ҳеч қаерда ишдамасдан енгил-елпи ҳаёт кечиришга ўрганиб кетган, — дейди Хива шаҳар ва туман ИИБ ДАН бўлини маси бошлиғи, милиция майори Иброҳим Раҳимов. — Натижада тез-тез спиртли ичимлик истеъмол қилган. Жамол ўша 4 июль куни ҳам ўта маст ҳолда жиноятга қўл урди. Айни кунда шаҳар ва туман ИИБ эндигина 20 ешга қадам қўйган бу йигитчанинг маст ҳолда машина олиб қочиб шаҳар бўйлаб қилмоқчи бўлган «саёҳати»га терговчилар якун ясамоқда.

Х. ЖАББОРОВ,
«Постда» мухбири.

Суратда: Хива шаҳар ва туман ИИБнинг ДАН бўлини маси ИПХ катта нозири, милиция катта лейтенанти Исмоил Собиров (ўртада). ИПХ нозири Бахтиёр Абдуллаев ва Ботир Жуманиезовлар патруль хизматига чиқиш олдидан амалга оширилажак ишларини режалаштирмоқдалар.

Саъдулла БОБО
олган сурат.

БАРБОД БЎЛГАН «САЁХАТ»

кўрган ширакайф Жамол ташқарида чикди ва йўл чеккасида турган машинага ўтирди. Қарасаки, машина калити ўзида. У машинани ҳайдаб шаҳар айлангиси келди ва уни ўт олдириди. Сўнгра бирон киши уйдан чиқиб қолишини ўйлаб катта тезликда «куен» бўлди. Йўл ҳаракат қодаларини қўпол равишда бузиб келаётган машина ҳайдовчисини кўрган Хива шаҳар ва тумани ИИБнинг ДАН ИПХ катта нозири, милиция катта лейтенанти Исмоил Собиров ҳамда ИПХ нозири, милиция катта сержанти Бахтиёр Сапаевлар сергаклик билан машинани тўхтатишни буюришди. Аммо ҳайдовчи ДАН ходимларига бўйсунмай ҳаракатини

АЛДАГАНДИ

ШАҲАРНИНГ Максим Горький метро бекатида номаълум кимса ўзини милиция ходими деб таништириб Тошкент вилоятидан келган фуқаронинг бир кути кир совунини олиб кетаётганида пост-патруль хизматчилари Аҳмедов ва

КЎР ҚИЛДИ

СИРҒАЛИ туманидаги уйларнинг бирида 5-синфда ўқийдиган қизча қўлда ясалган тўппонча билан билмай беш ёшли синглисини бошидан отиб қўйди. Тан жароҳати олган қизчага тез тиббий ёрдам кўрсатилди. Воқеа

Ғуломовлар томонидан қўлга олинди. Дастлабки тергов маълумотларига кўра, милиция қиёфасидаги талончи 1967 йилда туғилган, Тошкент вилоятининг Зангиота туманида истиқомат қилувчи, бекорчи Т. А. бўлиб чикди. Товламачи устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

содир бўлган жойга етиб келган милиция ходимлари Тошкент тўқимачилик машиналари ишлаб чиқариш заводи ишчиси А. П.ни қўлга олдилар. Қўлбола тўппонча ясаш П. учун жуда қимматга тушди, чунки қизчасига теккан ўқ уни умрбод кўр қилди.

И. РАҲИМОВ.

ТАҚИНЧОҚҚА, зеб-зийнатга ҳавас билан қарамайдиган, уни тақишини истамайдиган аёл бўлмаса керак дунёда. Замон яралибдики аёллар тақинчоғи бор. Ожизалар ҳуснига-ҳусни, жамолга жамол қўшувчи бу тақинчоқларда сир кўп. Уни яратувчи зергарлар ҳар замонда ҳам қадрли. Бенихтиёр узук кўзидида тошларнинг жилосидан санъаткорнинг маҳоратига тан берасиз. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир аёлга ярашувчи тақинчоқлар уларнинг гўзаллигини бир неча чандон ошириб юборади.

Бундан бир неча йил олдин ҳамкасбимнинг бир ишидан ҳайратлангандим. Гап шундаки, у бунинг кунини тақдорларди. Охири бир кун ҳамкасбимдан сўрадим:

— Нимага ҳар кун келасизу тақинчоқларингизни тақиб оласиз. Кетинида яна сумкага солиб қўясиз? — Ҳеч ҳайрон бўлмаг. Тақинчоқларни турмуш ўртоғим олиб берган. Асло ўғрилиқ мол эмас. Ишдан кеч қайтаман. Кўчада безорилар олиб қўйиши мумкин, — дея ўзи билан юз берган бир ҳодисани айтиб берди. Юнусободда турувчи собиқ ҳамкасбимнинг тақинчоқларини бир талончи қўлогидан юлиб олиб кўздан ғойиб бўлган экан.

Ииллар ўтди. Лекин бундай ҳуқуқ воқеалар оз бўлса-да, турмушимизда учраб турибди.

Мирзо Улугбек тумани Ички ишлар бошқармаси ходимлари жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқдалар. Шу тумандаги «Чимён» дўкони олдида турган Илҳомовнинг бўйнидаги тилла занжир туморини номаълум шахс юлиб олиб қочади. У аёл нима ҳам

қилсин? Тоғни урса толқон қиладиган йигит гурурини йигитлириб қўйиб, виждонини ютиб шу ишни қилса! Яхшиямки, бахтига милиция ходимлари учраб қолади. Акс ҳолда тилла буюмларини тушида ҳам қўрмасди. Туман жиноят-қидирув бўлими ходимлари жиноятини «иссиғида» очишиб, жабрланувчига тилла занжирини қайтаришди. Талончи Юнусобод туманининг 19-мавзесида яшайдиган 1974 йилда туғилган Х. Салим бўлиб чикди.

К. Сергей билан Д. Андрейлар

ТАҚИНЧОҚ «ШАЙДОЛАРИ»

пойтахтимизнинг Миробод туманида истиқомат қилишади. Ёшлари ўн олтида бўлса ҳам «болалиғи» қолмаган. Улар бир ҳимоясиз зафани умаришга аҳд қилишди. Мовароуннаҳр ва Нукус қўчалари туташган чорраҳадан ўтиб кетаётган еши элликлардан ошган Низаткеримованинг қўлогидан тилла тақинчоқларини юлиб олишди. Қўлидаги юклари билан бувиис тенги қари аёл уларни қўзалаб юрармиди? Куч-қувват бўлмаса.

Воқеадан хабар топган йўл-патруль хизматчи ходимлари икки талончининг тутиб, милиция бўлимига келтиришди. Аввал қилимиш-қидирмиш ҳақида ўйламаган бу икки ўсмир ҳозир пушаймонда. Начора, бу пушаймон

ўзлари учун душман, холос.

Аёл бўлиб аёл қалбини тушунмайдиганлар ҳам бор экан дунёда. Келажакда наشرчи бўлиш ниятида юрган Ирина замона зайли билан вақтинчалик бўлиб турган иқтисодий қийинчиликларни талончилик билан енгиб ўтишга уринганда. Ўзингиз ўйланг, ҳеч бир замонда ўғрилиқ, талончилик билан обрў топган одам борми? Ирина ҳам аёл. Тилла тақинчоқнинг шайдоси. Лекин уларни ҳалол пул топиб, тақиб юришининг заъқи ўзгача эканлигини унутиб қўйди.

Шу йилнинг 23 июни кунини Мирзо Улугбек тумани Доғистон кўчасидаги автобуслар тўхташ жойида кундуз кунини соат ўн олтиларда автобусга чиқаётган Нурмуҳаммедованинг бўйнидан тилла занжирини узиб олиб қочди. Жабрланувчи ёрдам беринлар, дея атрофга жар солди. «Бузоқнинг югургани сомонхонагача» деганларидек, Иринанинг югургани метронинг М. Горький бекатигача бўлди. Милиция ходимлари ушлаб, уни бўлимга олиб келишди. Ирина кўз ёши қилиб, йиғлаб-сихтаб кўрди. Аммо унинг бу кўз ёшларидан энди не фойда?

Яқинда Яккасарой туманида бир муҳдиш воқеа рўй берди. Туман ички ишлар бўлими ходимлари ўз акасининг бошига болта билан уриб, қимматбаҳо узугини олиб кетмоқчи бўлган, қонунбузарини қўлга олишди. Шахримизнинг Сирғали туманида истиқомат қилувчи С. А. қабиҳ ниятини амалга ошириш учун ўз акасиникига туғи соат иккидан кейин ташриф «буюрганди».

М. АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ходими, милиция катта лейтенанти.



АВВАЛДАН АЙТИБ қўйилик: халқимиз тарихида буюк саркаралар, лашкарбошилар қўлаб ўтган. Ва барчаси ўз даврида хизматига яраша тақдирланган.

Минг афсуски, собиқ совет тузуми барча халқларни ҳар соҳада чегаралаб қўйди. Собиқ кизил империя даврида халқимиздан чиққан генералларни

ишлар идоралари ходимларига яхши таниш.

Генерал У. Саидов 1920 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Олий маълумотли ҳуқуқшунос. Нафақат Ўзбекистон, балки Тожикистон Республикасида ҳам юқори лавозимларда хизмат қилган. Республика миқёсидаги нафақадор

(ҳозирги Яккасарой туманидаги) 176-мактабга генерал У. Саидов номи берилди ва "Бир кишига бир жой номи етарли!" деган баҳона кўрсатилди. Ўйлаймизки, мустақиллигимизнинг уч йиллиги муносабати билан комиссия тасдиқлаган таклифнинг иккинчи қисми ҳам ўз ижросини топади. Бунинг учун имконият ҳам, вақт ҳам етарли. Чунки халқ бахт-саодати йўлида меҳнат қилган аждодларимиз, марҳумлар номини ҳар қанча эъзозласак арзийди.

Яна бир таклиф. Номлари абадийлаштирилган генераллардан И. Азимов ва У. Саидов хотираларига бағишлаб, уларнинг номлари берилган жойларга эсдалик лавҳалари ўрнатилса, оила аъзолари, ёр-биродарлари, "Уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгаши" ҳамда улар ишлаган вазирликлар вакиллари, матбуот ходимлари иштирокида "Эсдалик лавҳаларини очиш" тантаналари ташкил қилинса. Бундай тадбирлар ҳукуматимизнинг қадриятлар борасида олиб бораётган сиёсатига, тарбиявий жиҳатдан эса, "Соғлом авлод учун" кўрсатаётган эътиборига айнан мос келишига зарра шубҳа йўқ. Биз ҳам бир ижодкор сифатида бундай эзгу тадбирларда иштирок этишни ўзимизга фарз, деб биламиз.

Забихилла МУҲАММАДЖОНОВ,
хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос;
Дилмурод САЙИД,
журналист.



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Тошкент вилоят ИИБ йўл-патруль хизмати инспектори Сидиқали НУРМАТОВНИ туғилган кунлари билан табриклаймиз!

Меҳрибон дадажонимиз! Сиз учун муборақ кун бўлган ушбу айёмда кўнглимиз тўрида асраб қўйган энг эзгу ниятларимизни йўллаймиз. Доим соғ бўлинг, бахт-саодат ҳамиша сизга ёр бўлсин, шингиз доим ўнгидан келсин.

Эҳтиром билан рафиқангиз, фарзандларингиз **БАРНО, РАЪНО** ВА ИZZАТ.

ГЕНЕРАЛ НОМИ БЕРИЛСА...

санасак, бармоқларимиз ортиб қолади. Яна таассуфлар бўлсинки, бир неча ўзбек генералларидан ҳозирда марҳум бўлганларига ҳам етарли эҳтиром билдира олмаймиз. Биргина мисол: марҳум генерал Илс Азимов хотирасини тиклаш, С. Раҳимов туманидаги кўчалардан бирига генерал номини бериш борасида кўлаб тўрачиликка дуч келинди. (Ҳозирги кунда "Белгород" ва "Ахтирская" кўчалари бирлаштирилиб, "Генеал Азимов кўчаси", деб юритилмоқда. Бу ҳақда 1991 йил 28 сентябрь куни "Генерал Илс Азимов" номли ёдном "Постда" газетасида чоп этилган).

Ўзбек халқининг яна бир генерали бор: Убайдулла Саидов. Бу ном ички

Убайдулла ака Саидов 1992 йили вафот этган.

Унинг хотирасини абадийлаштириш ҳақида "Вечерний Ташкент" таҳририяти ва республикада хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос З. Муҳаммаджонов (ушбу мақола муаллифларидан бири) пойтахт Атамалар комиссиясига сўров хати юборганлар.

"Генерал У. Саидов номини пойтахтдаги 176-ўрта мактабга ва шу мактабга элтувчи "Глазунов кўчаси"га бериш" тўғрисидаги икки қисмдан иборат бу таклиф комиссия йигинида бир овоздан маъқулланди. Лекин ажабланарлиси шуки, ноаниқ сабабларга кўра таклифнинг кейинги қисми олиб ташланиб фақатгина

Жаннат-оналар оёғи остидадур

«ОНАМНИ СОҒИНДИМ, ОНАМНИ»

...Чақирув бўйича бир хонадонга ташриф буюрдик. "Тез ердан" ходимлари билан биргаликда бир беморни руҳий касалликлар шифохонасига олиб боришга тўғри келди. Бемор эса 60 ёшлардаги ушқоқна кампир экан. Унинг ўғли "Тез ердан"га кўнгирок қилиб, онасини ушбу шифохонага жойлаб қўйишларини сўраган экан. Машинада кетяпмиз-у, кампир бечора ўғлига уввало ялинади денг: "Ўғлим жон ўғлим, мени жиннихонага олиб борма! Мени у ерга ташлаб келма, жиним болам". У тинмай зорлар, гоҳида шундай ўғил ўстирганидан ўзини ўзи қарғаб ҳам қўярди. Ўғил эса бу гапларга парво қилмасдан кетиб боради...

Мен бу ўринда ўғилни бемехр фарзанд дейишга ҳақким йўқ. Ўз ўғлига ва бизларга ёлвориб кетаётган бу онаизорнинг касаллиги хуруж қилган паллада қандай ҳолатда бўлишини ҳам кўз олдимга келтира олмайдман. Фақат шу лаҳзаларда бешафқат тақдир ҳўрлаган она-ю

азобда қолган ўғил тимсолини кўрдим холос.

Ўз акасининг уйига ўғирликка тушиб, судланган шахснинг оилавий аҳволини текшириш учун бир хонадонга бир неча мартаба борганман. Ҳар сафар ўз ўғлининг қилмишини хас-пўшлаб гапирадиган она кейинги гал борганимда мени кўзларида еш билан қутиб олди. Арзанда ўғли онасидан пул талаб қилиб, бермаса бўғиб ўлдиришини айтиб қўрқитган экан. Ўшанда у кечалари эшик-деразаларни қулфлаб, ухламай тонг оттираётганлигини айтиб берганди.

Ўз волидаларини бошларига кўтараётган, уларнинг дуоларини олаётган фарзандлар жуда кўп. Уларнинг садоқатига тан бериш керак. Қишлоғимизда Хожира момо исмли етмиш ёшлардан ошган онахоннинг бир ерда етиб қолганига ҳам ўн беш йилдан ошди. Ўшанда унинг тўнгич фарзанди Абдуғаффор ака 20 ёшлардаги йигитча эди. Мана, шунча вақт ўтибдики, у ўз онаси атрофида

парвона, Овқат қилишу нон ёпиш, кир ювишгача бажаради. Бирор марта онасини ранжитганини эслолмаймиз. Бошига тушган қийинчиликлар тўғрисида ҳам бирор оғиз шикоят қилмаган. Онахон билан гаплашиб қолсангиз кўзларида еш билан ўғлини дуо қиладди.

... Она қадрини ундан узоклашганда биламиз. Дилда соғинч хислари ошгани сайин унинг қадри юксакларга кўтарила боради:

Ёлғизлик қийнайди ҳар кеча,
Соғинчлар ёндирар танамни,
Қадрига етмаган мен ўша
Онамни соғиндим, онамни.
Тушларим эртаққа ўхшайди,
Соғинчлар ўртоққа ўхшайди,
Дунени пойнига тўшайди,
Онамни соғиндим, онамни.
Жонимни азоблар кўп ёмон,
Юракка санчилган бир тикон,
Бемаҳал ўғлига кўз тиккан,
Онамни соғиндим, онамни...

Муҳиддин ИСРОИЛОВ,
милиция капитани.

ПОРАХЎР МУАЛЛИМ

ПОРА ОЛИШ нафси ўпқон шахслар учун ҳаётини одатга айланган, десак адашмаймиз. Афсуски, ўзи муаллим, тўғривоғи, тарбиячиларни тарбияловчи муаллим бўла туриб, Ҳамза номли Шаҳрисабз педагогика билим юртининг бўлим бошлиғи Б. Алиев ўз вазифасини суистеъмол қилган ҳолда 5-босқичнинг битирувчи талабаларидан пора олаётганда қўлга тушди. Ушбу факт бўйича қўшимча суриштирув ишлари давом этапти. Жиноятни фош этишда вилоят ИИБнинг коррупцияга қарши кураш бўлими ходимлари фаоллик кўрсатдилар.

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ...

ГИЁҲВАНД ўсимликларни ўстириш қонун билан тақиқланганлигини неча марта эслатмайлик ёхуд бу

борада тарғибот ишларини юритмайлик, унинг ҳадисини олганлар ўзларини жиловлашга қўриблар етмайпти.

Яккабоғ туманидаги К. Ашуров номли жамоа хўжалигида яшовчи А. Эшмўминов ховлисида 232 туп, Чироқчи туманидаги "Коммуна" жамоа хўжалигида яшовчи М. Хуррамов томоққасида 3600 туп кўкнор ўсимлиги ўстириляётгани аниқланиб, ўриб, йўқ қилинди.

Яккабоғ туманидаги У. Мирзаев номли жамоа хўжалигининг Уламжи қишлоғи яқинидаги майдонда 10 минг туп кўкнор ўсимлиги шода-шода кўсак боғлаб етганда ўриб олиниб, ёқиб юборилди. Қизиқ, хўжалик раҳбарлари ўзлари масъул бўлган ҳудудда инсон саломатлиги учун хавфли бўлган кўкнор ўсимликларни ўсиб етганини наҳотки билишмаган бўлишса? Ё қўриб кўрмасликка олармиканлар? Бу эса хўжасизлик ва сансалорликдан бошқа нарса эмас.

ПАТИ ЮЛИНДИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН "адашиб" келган ва муқаддам судланган С. Шухрат Муборак шаҳрида яшовчи, шу туман ҳаво йўллари қассасида ишловчи Раҳима Ҳамроеваннинг уйига қўққисдан бостириб киради ва унинг уйда ўтирган 8 ешли ўғлининг оёқ-қўлини боғлаб, уйдан катта миқдорда ҳар хил буюмларни ўғирлаб кетади. Аммо С. Шухрат узокқа кетолмади, қўлга олинди.

ҚОТИЛ ҚЎЛГА ТУШДИ

БАХТИЁР Илёсов "оби замзам"дан қиттак отиб олиб кўчага чиқди. У Коменгер кўчасида жойлашган бекатдан автобусга ўтироқчи бўлди. Бироқ кайфи тобора ошиб, ўзини итоат этолмай қолди. Бекатда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлай бошлади. Унинг дий-

диесидан безор бўлган йўловчи Рамазон Жумаалиев уни инсофга чақирди. Бундан даргазаб бўлган Бахтиёр чайқалиб келиб чўнтагидаги ўткир тигли пичоқ билан Р. Жумаалиевга ҳамлага ўтди. Тўғривоғи, "насиҳатгүй"ни қорнига икки-уч марта пичоқ тортиб юборди. Бу ҳам етмагандай Рамазоннинг кўкрак қисмини мўлжаллаб жон-ҳолатда тиг урди. Рамазон қонга бўялди. Бахтиёр эса воқеа жойидан қочишга уринди. Аммо воқеа ҳолатини ўрганган Қарши шаҳар ИИБ ходимларидан иборат тезкор гуруҳ қотилини қўлга олди.

Ҳа, бу вақтда Рамазон Жумаалиев оламдан кўз юмишга улгурганди.

ҚАССОБМИ, КАЗЗОБ?

ФУҚАРО Тасалла Йўлдошев ўзига тегишли тўрт бош қорамолни йўқотдию оромидан айриди. Топгани рўзгорига бир чимдим бўлмади. Шу тўртта қора моли орқали рўзгорини

тебратарди. У милицияга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Изқуварлар оёққа турди. Унинг 4 бош қорамоли топилди, ҳалоли ҳаромга чиқмади. Мол ўтриси эса Қосон тумани Пўлати матлубот жамиятига қарашли қассобхона қассоби У. Содир бўлиб чиқди. Қаззоб қассоб қўлга олинди.

ЧАҚАЛОҚДА ГУНОҲ НИМА?

ШУ ЙИЛНИНГ 28 май куни вилоят шифохонасининг олдида бир ойлик чақалоқ топилди. Милиция ходимларининг сай-ҳаракатлари билан чақалоқнинг ота-онаси ҳам топилди. Улар дўли миллатига мансуб 64 ёшли Савлат Ҳимоятлов ва уй бекаси 26 ёшли Норгул Эсоновалар бўлиб чиқди. Уларга нисбатан Қарши шаҳар прокуратурасида жиноят иши қўзғатилди.

Ҳ. ҲАЙДАРОВ,
вилоят ИИБ матбуот гуруҳининг катта инспектори, милиция катта лейтенанти.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Душанба, 5

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Гунча".
18.35 "Ўзбекистон бойлиги".
"Ўзбектеlevision".
18.55 "Яна сени куйлай, муҳаббат...".
Мусликий дастур.
19.25 Ёлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ёлонлар.
19.55 "Кўшнинг тинч — сен тинч".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ёлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ёлонлар.
21.30 "Ватанни севмоқ иймондандир".
22.30 "Актёрлар ва роллар".
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Қахрамон Абдурахимов.
23.20—23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"Тошкент" студияси таништирилади:

19.50 "Болалар".
20.10 "Кулги даргалари".
20.50 "Бедорлик".
21.05 "Фалакнинг гардиши".
21.35 "Студиямиз меҳмони".
21.55 "Шунчаки саргузашт". 2-қисм.
22.20 "Хафтанома" (рус тилида).
22.50—00.05 "Қуёшқондан чиққанда". Бадий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 23.30

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Тигиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Биз". В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.30 А. И. Солженицин билан учрашуви.
20.50 "Спорт уик-энди".
21.10 Ю. Олеша ҳаётининг номаълум лавҳалари.
21.40 "Дизайн кувончи".
22.05 "Кўк шиша". "Марс хроникалари" туркумидан.
22.35 — 22.55 Безътибор ўтган ҳаёт ва ўлим ҳақида кинолаваҳа. А. Цветаева.

Сешанба, 6

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 "Бу шунақа ўйин". Бадий фильм.
10.05 "Яхшидан боғ қолади". Телесериал.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 "Кафолат".
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 "Созимда севги васфи". Мусликий дастур.
12.30—13.10 "Буюк мақсад йўлида".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Теримга шаймисиз?".
18.25 "Беллашув". Телевизион киножурнал премьераси.
18.35 "Санъат олами".
19.05 "Бахтиёр". Фильм-концерт.
19.25 Ёлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ёлонлар.
19.55 Абдулла Қодирий мукофотида номзодлар. Аббор Хидоят номидagi Ўзбек драма театрининг "Искандар" спектакли.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ёлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ёлонлар.
21.30 "Инсон ва қонун".
22.10 "Меҳрибонлик". Бадий фильм.
23.20 Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги. Финал. "Нефчи" — "Янгир".
00.50 — 01.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

лида).

"ОМАД" таништирилади:

19.50 "Мультифейерверк".
20.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва ёлонлар.
21.00 "Видеогид".
21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва ёлонлар.
22.00—24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.00 — 23.30

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

18.00 "Тигиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Мавзу".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.30 "Илк манбадан".
20.40 Спорт шарҳи.
21.10 — 23.55 Галабининг 50 йиллигига. "Тирикларни чорлайман...". "Бориб кўр". Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар ("Беларусьфильм", "Мосфильм").

Чоршанба, 7

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 "Белгиланган курсдан борапман". Бадий фильм.
9.55 "Ўзбекистон — гуллаган боғ". "Айём нафаси". Телесериал.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик.
11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).
11.15 Лотин алифбоси.
11.35 "Ёшлар ва замон".
12.10 Миродиқ Тожиев. "14-симфония".
12.45—14.10 "Марду майдон". Наманган вилояти.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Тулгунчалар". Болалар учун концерт.
18.40 "Шеърли дақиқалар". Асқад Мухтор.
18.55 "Таълим ва ислоҳот".
19.25 Ёлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ёлонлар.
19.55 Спорт хабарномаси.
20.00 "Ўзбекна луфт". Адабий кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ёлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ёлонлар.
21.30 Замонавий ўзбек кўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
22.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Политотдел" — "Пахтакор".
23.20—23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"Тошкент" студияси таништирилади:

19.50 "Етти нота мамлакат".
20.20 "Спринт".
20.45 "Мусликий меҳмонхона".
21.45 "Фильмлар ва тақдирлар". Кинодастур.
22.30—24.00 "Кўркувнинг давоси". Бадий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 23.30

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

18.00 "Тигиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "СБ" жумбоги.
19.10 Пушкин мавзуларида фантазиялар.
19.50 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.30 "Монолог".
20.40 "Орзу трамвайи".

21.30 "Паузасиз".
22.00 — 22.50 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Россия — Германия терма командалари. 2-тайм.

Пайшанба, 8

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 "Сиздан угина, биздан бугина". Бадий фильм.
9.55 "Ёнгиндан сақлангил!".
10.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё.
11.00 "Кизил Ярим Ой шуъласи".
11.30 Инглиз тили.
12.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).
12.15 "Бола бошидан". Мактабгача тарбия масалалари.
12.45 Ўзбек куйларидан концерт.
13.15—14.05 "Азиз сиймолар". Кинодастур.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Қашф этилаётган имкониятлар".
18.30 Диккат: премьер! "Дони Зокиров". "Ўзбектеlevision".
19.00 "Сихат-саломатлик".
19.25 Ёлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ёлонлар.
19.55 "Кенгашганга кенг дунё".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ёлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ёлонлар.
21.30 "Пахтазорга оқшом кўнганди...".
22.50 "Бир тўқнашув ҳақида икки хил тахмин". Бадий фильм.
00.20—00.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"ОМАД" таништирилади:

19.50 "Омад" тақвими.
20.00 "Жозиба".
20.20 "Бир шингил хангома".
20.30 "Зиндаги еҳуд муҳаббат".
20.50 Видео янгиларлари.
21.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва ёлонлар.
22.00—24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.00 — 23.30

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

18.00 "Тигиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Йўқотилганларни излаб". Кўрсатувни Г. Скороходов олиб боради.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.30 "Москва — Кремль".
20.55 — 22.55 "Тергов". Бадий фильм (Италия).

Жума, 9

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 "Кечмишларнинг ҳикояси бу". Бадий фильм.
10.05 "Зебо, Зиеда ўйнар". Телесериал.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
11.00 Дутор ва танбур тароналари.
11.30 Немис тили.
11.50—14.20 "Ёшлик" студияси. "Шижоат".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Болалар меҳмонхонаси".
18.35 "Пул қадри".
18.55 "Шукрулло". "Ўзбектеlevision".
19.25 Ёлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ёлонлар.
19.55 Бевосита мулоқот.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ёлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

21.25 Ёлонлар.
21.30 "Тулшан диерим". Юнус Ражабий номидagi мақомчилар ансамблининг концерти.
22.05 "Севги сароблари". Бадий фильм.
23.35—24.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"Тошкент" студияси таништирилади:

19.50 "Излаган имкон топади".
20.20 "Мўжизалар оламида".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 "Тараддуд". Спорт кўрсатуви.
21.45 "Тошкентнома".
22.45—00.10 "Эркакли уй". Бадий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 23.30

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

17.45 "Инсон ва қонун".
18.20 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.50 "Мўжизалар майдони".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.30 "Хафтанинг машҳур киши".
20.50 "Детективлар клуби"да. "Сан-Франциско кўчалари". Телесериал. 1-серия.
21.50 "Матбуот-экспресс".
22.05 — 22.55 "Взгляд" А. Любимов билан.

Шанба, 10

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 "Оққўнғил кишилар". Бадий фильм.
9.50 "Барҳаёт наволар". Тўхтасин Жалилов.
11.10 "Хужжатли экран". Киноқўрсатув.
11.50 ЎзТВ фондида. Телевизион театр. Зиё Саид. "Тўралик сиртоғи".
12.40 "Ёшлик" студияси. "Истеъдод".
13.40—14.30 "Сирли сандиқ". Телеўйин.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Қўшигим, жон қўшигим".
18.50 "Ёшлик" студияси. "Садо".
19.25 Ёлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ёлонлар.
19.55 "Янгрисин шўх яллалар". Мусликий дастур.
20.25 "Хиллол" студияси. "Бор барака".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ёлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ёлонлар.
21.30 "Тандир операцияси". Видеофильм премьераси.
22.45 "Тунги еҳду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништирилади:

9.00 "Мультифейерверк".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва ёлонлар.
10.00 "Видеогид".
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва ёлонлар.
11.10 "Кинонигоҳ".
12.40 "Омад" тақвими.
12.50 "Жозиба".
13.10 "Бир шингил хангома".
13.20 "Зиндаги еҳуд муҳаббат".
13.40 Видео янгиларлари.
14.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва ёлонлар.
14.50 "Кинонигоҳ".

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"Тошкент" студияси таништирилади:
ШАНБА ОҚШОМИДА
19.50 Болалар учун. "Табассум".
20.30 "Эсдалик учун дастхат".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 "Антенна".
21.55 "Менинг кўчам".
22.15 "Кичик дебют".

22.35 — 23.50 "Кинематограф". Ч. Чаплин фильмлари.

ЎзТВ III

10.00 — 12.00

18.00 — 23.30

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.45 "Ўшангача ва ундан сўн".
18.40 "Коламбия пикчерс" таништирилади. "Линдберг" боласининг ўғирланиши ҳақида тергов". Уч серияли телевизион бадий фильм. 1-серия.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.45 "Коламбия пикчерс" таништирилади. "Комиссар". Телесериал. 12-серия.
21.45 "Матбуот-экспресс".
22.00 — 22.50 Футбол. Россия чемпионати. "Торпедо" (Москва) — "Спартак" (Москва). 2-тайм.

Якшанба, 11

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Хиндистон). 83—84-сериялар.
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 "Соглом авлод учун". Спорт кўрсатуви.
10.55 "Хукукингизни биласизми?".
11.15 "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" почтасидан.
11.55 "Қўшиқларим сизга армуғон". Дониёр Тошмухамедов куйлайди.
12.25—13.45 Машраб Бобоев. "Жаноза ўқилмасин". Бухоро вилояти театрининг спектакли.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Қум соат". Мультифильм.
18.10 "Цирк! Цирк! Цирк!"
18.55 "Фан фидойиси". Академик Хосил Фозилов.
19.25 Ёлонлар.
19.30 "Хафтанома" (рус тилида).
20.00 Ёлонлар.
20.05 "Ойна жаҳонда...".
20.25 "Тасвир". Киноқўрсатув.
20.55 Ёлонлар.
21.00 "Хафтанома".
21.30 Ёлонлар.
21.35 Феруз таваллудининг 150 йиллигига. "Бир кўшиқ тарихи".
22.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Нурафшон" — "Навбахор".
23.20—23.50 "Хафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништирилади:

17.00 "Совға".
17.30 "4/8". Мусликий дастур.
17.45 Ёлонлар.
17.50 Видео — "О".
19.40 Ёлонлар.
19.45 "Курьер".
20.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва ёлонлар.
20.30 "Суперспорт".
21.10 Ёлонлар.
21.15 "Даракчи".
21.25 Ёлонлар.
21.30 Видео — "О"

ЎзТВ III

10.00 — 12.00

18.00 — 23.00

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.50 "Баскетбол жазавази", "Ҳақиқий ажина овловчилар". Мультифильмлар.
18.45 "Бомонд".
19.00 "Суперполициячи". Бадий фильм (Италия).
21.00 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатув.
21.55 "Мариниска саёҳат".
22.40 — 23.10 "Видеомикс".
[Тошкентдан гапирмиш ва кўрсатамиш дастуридан].

Фарида Қорақулова

СУНБУЛА

Сунбуланинг гулларин
Сўлгин ўтар кунлари.
Гул баргига тўкилар
Соғинч тўла тунлари.
Турналар учиб кетди
Бир айланиб боғларни.
Хазонларга кўмдилар
Кўкларм отли чоғларни.
Кўкларда сочларига
Толбаргак таққан қизлар
Ёзининг сўлим оқшоми
Боғларни ўйчан кезар.
Ўйчан-ўйчан кўзларнинг
Ёлқинида сирлар кўп.
Сунбулада олмапар
Етилади пишиб хўб.
Сунбуланинг сойидан
Олма тўлиб оқади.
Сун бўлида йигитлар
Сўқланишиб боқади.
Ёшон исин таратган
Ҳарамлар ҳам гул асли.
Олтин рангда товланган
Кўз тўкилик, тўй фасли.
Юракларни титратиб
Янграб сурнай садоси.
Юзлари зафарон гул,
Айтинг, кимнинг адоси.
Олисларда сўлгин гул,
Сочлари сунбул-сунбул.
Ёр-ёр айтиб йиғлайди
Уланга ташна кўнгли.

Подалар қайтмоқда
сўқмоққа сиғмай,
Замин тафтин
тўзғинади тўёқлар.
Чўпон найин номсиз оҳанги
Тунд булутлар бағрини ёрар.
Қишлоқ узра кўйлайди шамол:
"Кеча боғлар ям-яшил эди".
Жўр бўлади бежурят, беҳол
Полиздаги сапчалар ҳиди.
Мўриллардан ўрлайди тутун,
Тўкилик нафасин тудди осмон.
Шотут тагидаги супанинг юзин
Заррин рангларга
безайди хазон.
Ойсиз туннинг бағрига шошиб
Оқшом тинмай отин қамчилар.
Мунис манзарага
ташлайман нигоҳ:
Кузги гуллар. Ёмғир томчилар.

Қушлар учиб кетаётир
қайларга!
Шафақ нури ёнаётган
жойларга.

Ўн минглаб, юз минглаб
ва миллионлаб
Дарахтлар қўл чўзар
осмонга қараб.
Кечаги кўкларнинг
олтин барглари
Юлиб кетди куз
шамолли битталаб.
Ариқларда оқиб кетди
яшил ранг
Саратон кунига
беролмасдан тоб.
Соғлар йўлига тушди кўндаланг
Кунлар ҳам одимлар
ортидан шитоб.
Зафарон ранглари устга
кузак
Олиб келар елвиратиб ўз сепин.
Шамол итқитади ҳар ён
бемақсад
Олмаларнинг сўқмоқдаги
садосин.
Яланғоч боғларнинг
кўксига гулхан
ёйилиб кетгандир то
осмон қадар.
Хазонрез боғларнинг
дудин орқалаб
Кўёш ҳам олисга бош
олиб кетар.
Узоқлардан ҳорғингина жим
Етиб келар кузнинг мезони.
Тўғилган ерлардан
узолмай меҳрини,
Қийқиришар қушлар карвони.

Хоразм вилояти Ички ишлар
бошқармаси раҳбарияти ва шахсий
таркиби бошқарма бошлигининг
ўринбосари, милиция майори Шавкат
Иўлдошевнинг Отажоновга волидаси
Уллубиби
ХУДОЙБЕРГАНОВАНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан
чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мухаррир ўринбосари
Сиддик
СУЛАЙМОНОВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.

Газета ҳафтаининг жума
кунлари чиқади.

ҚЎЛ ЖАНГИ БЎЙИЧА
мураббий Юрий Росси учратиш
жуда ҳам қийин бўлди. Гоҳ у шаҳар,
гоҳ бошқа бир мусобақаларга жўнаб
кейтиш учрашувни атайлаб орқага
чўзгандек туюларди. Охири
учратдик. Юрий ва унинг йигитлари
машқ залида навбатдаги
мусобақаларга қизгин тайергарлик
кўришадиганди. Дарвоқе, яқинда
бўлиб ўтган республика ИИБ
чемпионатида улар фахрий биринчи
ўринни эгаллашди. Мураббий ва
унинг йигитларининг кайфияти
яхши эди.

— Фарғона шаҳрида ўтказилган
ИИБ чемпионатида 19 жамоа иш-
тирок этди. Командамиз у ерда
биринчи ўринни эгаллади. Галабага
осонликча эришилгани йўқ.
Спортчиларимиз ўз маҳоратларини
ошириш борасида тинмай
шуғулландилар. Ҳақиқий спортчи
бўлиш учун машқ ва яна машқ
қилиш керак. Ана шундагина
заҳматли меҳнатлар ўз самарасини
беради. Маълум муддат шуҳрат
қозониб туриб, кейин тубанликка
йиқилиш спортчининг фожиясидир.
Шунинг учун спортчи юқорида
айтганимдек, ҳар доим ўз устида
ишлаши лозим.

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош
бошқармаси спортчиларининг
маҳоратлари йилдан-йилга юксалиб

бормоқда.

Тошкентлик Нурбой
Оллашбоевнинг (65 килограмм
вазнда) рақиб устидан зафар
қучиши жамоадолларини
руҳлантириб юборди. Кейинги
баҳсларда Ким Александр учинчи
ўрин (70 кг.), Мадиев
Абилқосимович Ўрдабоев биринчи

— Жамоада аҳиллик ҳукмрон
бўлса, галаба ҳам ўз-ўзидан
келаверади, — дейди суҳбат
сўнггида мураббий. — Биз ҳамisha
ана шу аҳилликни сақлаб қолишга
ҳаракат қиламиз.

Ҳақиқатан ҳам жамоанинг бир
екадан бош чиқариб ишлаши
натijasида муваффақиятлари яхши

камлик қилгандек бошқалар олдида
мазаҳ бўлганини кўрган еш спортчи
спортни умуман тарк этиши мум-
кин. Юқорида айтганимдек, бу
жамоада ешларга эътибор катта.
Шунинг учун ҳам маҳоратлилар
ўрини босувчи ўринбосарлар ҳам
жамоада етарли.

Спорт қадим-қадимдан халқлар
ўртасидаги дўстлик алоқаларни
мустаҳкамлайдиган восита
ҳисобланган. Ўзингизга маълумки,
қадимги Афинада Олимпиада
ўйинлари кунлари низоли
ҳаракатларга чек қўйилган. Биз-
нинг юрт фарзандлари ҳам азалдан
пахлавон сифатида танилган. Йигит
кишининг жисмонан бақувват, куч-
ли, алпқомат бўлиши ҳатто
дostonларимизда битилган.
Алпомиш, Гўрўғли каби
қаҳрамонлар шулар сирасига
киради. Амир Темур даврида қўл
жангини мукамал эгаллаш ҳар бир
жангчидан талаб қилинган.
Демоқчиманки, спортчиларимизга
хос чаққонлик, маҳорат ота-
бобомизнинг қонидан ўтган. Ажаб
эмас, йигитларимиз ўз маҳоратлари
билан яна жаҳон майдонини забт
этишса. Омад сизга йигитлар!

М. АБДУЛЛАЕВ,

Тошкент шаҳар ИИББ матбуот
гуруҳи ходими.

СПОРТ ЮРИЙ РОСС ВА УНИНГ ЙИГИТЛАРИ

ўрин (90 кг.), Толибжон Исроилов
иккинчи ўрин (80 кг.) эгаллаб
команда муваффақиятига катта
хисса қўшишди.

Команданинг еш иштирокчиси
Алишер Қодиров биринчи жангдаёқ
тажрибали рақибга — 1993 йилги
чемпион билан баҳста тушиб қолди.
Бироқ у бундан ўзини йўқотиб
қўймади. Галабага бўлган иштиёқ
устун келиб рақибини енгди.

бўлмоқда. Командада бир анъана
бор: тажрибали, кўпни кўрган
спортчилар еш, эндигина гиламга
тушаётган йигитларни оталиққа
олишади. Ахир спортда камдан-кам
бўлмаган воқеаларни биламиз.
Айтайлик, еш спортчи хато қилиб
(албатта тажрибасизликдан)
мағлубиятга учрайди. Баъзида
тажрибалилар улар устидан ку-
лишади. Ўзининг мағлубияти

ҚИДИРИЛМОҚДА

Қаюмович МУРСАЕВ
қидирилмоқда. У 1994 йил 7 май кунини
уйдан чиқиб кетган ва қайтиб
келмаган.

Белгилари: бўйи 165 см., озгин,
сочлари оқарган, кўзи оқш, лаби
қалин.

Алоҳида белгилари: қорнида
кўричак операциясидан қолган 4-5
см. атрофидаги чандиқ бор, ақли
заифроқ.

Кийими: бошида қора дўппи, эг-
нида жигарранг костюм, катакли
қизил кўйлақ, кулранг шим, қора
пайпоқ, оёғида 41-размердаги
жигарранг енгил туфли бўлган.

**И. Мурсаевнинг кейинги
тақдирдан бохабар
фуқаролардан бу ҳақда энг яқин
милиция бўлимига ёки 02 телефони
орқали хабар беришларини
сўраймиз.**

Тошкент шаҳар Яккасарой туман
ИИБ томонидан 1967 йилда туғилган,
Йўлдош шаҳар 14-мавзёидаги 54-уйда
яшовчи **Мухайе Мирсобиловна
МИРАЗИЗОВА** қидирилмоқда. У 1991
йил 25 февраль кунини тахминан соат 21-
30 да дугонасиникидан ўз уйига қайтган
ва бедарак йўқолган.


Белгилари: бўйи 155-160 см., ўртача
гавадли, сочи қора, калта, кўзи қора,
олд томондаги пастки олтига тиши
сарик металлдан.

Кийими: эгнида тўқ сарик рангли
пальто, қизил йўллари бўлган оқ кўйлақ,
тўқ ҳаворанг жинси шим, оёғида қора
этик бўлган.

**М. Миразизованинг кейинги
тақдирдан бохабар фуқаролардан
бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига**



ёки 55-98-21, 55-94-96, 02 рақамли
телефонлар орқали хабар
беришларини сўраймиз.



Тошкент шаҳар Ҳамза туман ИИБ
томонидан 1942 йилда туғилган,
Лисунов кўчаси, 2-мавзе, 13-уйнинг
49-хонадонида яшовчи **Иноятўлла**

Фарғона вилоят Ёзёвон
тумани ИИБ томонидан
Ўзбекистон Республикаси ЖК
204-модда 3-қисмида
кўрсатилган жиноятни содир
этганлиги учун жиноий
жавобгарликка тортилган, 1960
йилда туғилган, Ёзёвон
кўрғонида яшаган, муқаддам уч
марта судланган **Умар
Мўминович УСМОНОВ**
қидирилмоқда. ***



Ёзёвон тумани ИИБ томонидан
Навой шаҳрида 1974 йилда
туғилган **Абдухалил Холиқович
АБДУРАҲИМОВ** қидирилмоқ-
да. Унга нисбатан Ўзбекистон
Республикаси ЖКнинг 234-
моддаси "А" ва "В" бандлари
бўйича жиноий иш қўзғатилган. ***



**Бурхон Ёқубович
МАДАМИНОВ** қидирилмоқда.
У 1991 йилнинг 12 ноябрида
уйдан ҳеч қандай сабабсиз
чиқиб кетиб қайтиб келмаган.
**Юқорида учала факт
бўйича маълумотга эга бўлган
кишилардан қуйидаги
рақамли телефонлар орқали
қўнғироқ қилиб маълум
қилишларини сўраймиз: [8-
37341- 3-23-44, 2-13-68, 2-23-
35.**



Тошкент шаҳар Яккасарой туман ИИБ
томонидан 1926 йилда туғилган, Бобур
кўчасидаги 68-8-28 да яшовчи **Клара
Ивановна ВАХРУШЕВА** қидирилмоқда.
У 1994 йил 29 май кунини соат 19ларда
уйдан чиқиб кетган ва қайтиб келмаган.

Белгилари: юзи чўзинчоқ, сочи
тўғри, оқарган, қошлари тўғри, бурни
тўғри, кўзи оқш.

Кийими: эгнида оқ синтетик рўмол,
яшил пальто, оёғида пошнапи оқ чарм
туфли бўлган.

**К. Вахрушеванинг кейинги
тақдирдан бохабар фуқаролардан
бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига
ёки 02, 55-94-96, 55-98-21 рақамли
телефонлар орқали хабар
беришларини сўраймиз.**

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини
кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва
бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик
эълон қилиниши мумкин бўлмаган
маълумотлар учун муаллиф жавобгар
ҳисобланади.
- Муаллифининг мулоҳазаси тахририят фикрига
мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва
қайтарилмайди.

Газета ИВМ компютерида терилди ва
саҳифаланди.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.
Буюртма Г — Ц56
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.
Босишга топшириш вақти — 19.00.
Босишга топширилди — 19.00.

Обуна рақами — 64615.
39.494 нусхада босилди.

ТЕЛЕФОНЛАР:
муҳаррир — 39-70-40,
муҳаррир ўринбосари
— 39-77-23, масъул
котиб — 59-29-66,
муҳбирлар бўлими —
59-26-56, умумий
бўлим — 59-21-21.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6.